

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**12-сон**  
**(1032)**  
**2022 йил**  
**март**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

122. «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 мартдаги ПФ–91-сон Фармони
123. «Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 мартдаги ПҚ–179-сон қарори

*Учинчи бўлим*

124. «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 мартдаги 133-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

125. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 16 мартдаги 12/05-22-00569-сон «Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3154-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ****122 Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6243-сон Фармони билан бошланган ер муносабатлари соҳасидаги ислохотларни изчил давом эттириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини янада соддалаштириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бериш бўйича очиқ электрон танлов натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқлаш тартиби бекор қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М. Ғаниев ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 24 март,  
ПФ–91-сон

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 24 мартдаги  
ПФ–91-сон Фармониغا  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6243-сон Фармонининг 2-банди бешинчи хатбошисидан «, натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқланадиган» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиқларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–20-сон қарориди:

а) 2-банднинг тўртинчи хатбошиси «оилаларга» сўзидан кейин «ҳамда 2022 йил 1 март санасидан кейин хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларига» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 6-банднинг биринчи хатбошиси «тизимига» сўзидан кейин «ва «E-auksion» электрон савдо платформасига» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 2-иловининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«E-IJARA» ахборот тизимига ва «E-auksion» электрон  
савдо платформасига интеграция қилиш орқали идораларо  
электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйиладиган  
вазирликлар ва идоралар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва унинг ҳузуридаги «Электрон ҳуқуқмат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

6. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги.

7. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.
10. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси.
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги.
12. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги.
13. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги.
14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси.
16. Очиқ электрон танлов ўтказишда иштирок этадиган бошқа идоралар ва мансабдор шахслар — заруратга кўра.

*Изоҳ: вазирликлар ва идоралар «E-IJARA» ахборот тизимига ва «E-auction» электрон савдо платформасига Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали белгиланган тартибда уланади».*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **123** Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни янада ошириш, суғоришнинг янги технологияларига ўтиш, ўсимликлар химояси бўйича хизматларни йўлга қўйиш, замонавий лабораториялар барпо этиш, фермерларни ўқитиш каби тадбирларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини жорий этиш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси, «Ўзтўқимачилик-саноат» уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчи (ижарачи)лар томонидан пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ошириш бўйи-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 26 мартда эълон қилинган.

ча амалга ошириладиган тадбирлар учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2022-2023 йилларда синов тариқасида рағбатлантиришнинг қуйидаги механизмларини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

тупроқ унумдорлигини ошириш ва эрозиядан муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширганлик учун солиқ имтиёзлари бериш;

тасдиқланган ер тузиш ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ерларини тиклаш, қайта фойдаланишга киритиш ва янгидан ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини рекультивациялаш ва мелиорациялаш тадбирларини бажариш учун субсидиялар ажратиш ва ер солиғидан қисман озод этиш.

2. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 2022-2023 йилларда синов тариқасида:

а) тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини ошириш, илмий асосланган алмашлаб экишни ва суғоришнинг янги технологияларини жорий этиш ҳамда ўсимликлар ҳимояси бўйича хизматларни йўлга қўйиш ва замонавий лабораторияларни барпо этиш, шунингдек, деҳқончилик соҳасидаги янгиликлар ва илғор тажрибалар бўйича фермерларни ўқитиш учун ердан фойдаланувчи (жумладан, кластер)ларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар майдонга бир миллион сўмдан субсидия ажратилади. Бунда:

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича тадбирларни бажариш учун дастлаб ҳисобланган субсидиянинг 70 фоизи ажратилади;

субсидиянинг қолган 30 фоиз қисми ҳосилдорлик олдинги мавсумга нисбатан ўртача 15 фоизга оширилиб, Давлат статистика қўмитасининг таҳлилий маълумотларида ўз аксини топганда, ўтказиб берилади;

б) пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни оширганлик учун солиқ имтиёзлари тупроқ бонитировкаси таҳлили натижалари бўйича тупроқ унумдорлиги ошган ердан фойдаланувчиларга татбиқ этилади. Бунда:

ердан фойдаланувчилар учун ер участкаси тупроғи бонитет бали амалдаги бонитет баллга нисбатан 3 баллгача ошган ҳолларда ер солиғи ставкаси 25 фоизга, 3 балл ва ундан ошган ҳолларда 50 фоизга камайтирилади;

ер солиғи бўйича имтиёзлар уч йил муддатга амал қилади.

3. Қуйидагилар:

2022-2023 йилларда пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ошириш ва экологик ҳолатини яхшилаш учун субсидия ажратиш тажрибаси синовдан ўтказиладиган туманлар рўйхати 1-иловага\* мувофиқ;

Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларига ўтишда амалга ошириладиган илмий асосланган тадбирлар бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш бўйича тадбирларни

---

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бажариш учун субсидия ажратиш тартибини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

қишлоқ хўжалигида ер муносабатларини тартибга солиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли орган томонидан тупроқ унумдорлигини ошириш ва экологик ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирларни рағбатлантириш тўғрисида мурожаатларни кўриб чиқиш учун асос бўладиган ҳужжатлар;

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича тадбирларни бажариш учун субсидия ажратиладиган ердан фойдаланувчилар рўйхатини шакллантириш тартиби;

Давлат бюджетидан субсидия ажратиладиган ер участкаси майдонини аниқлаш ҳамда субсидия миқдорини ҳисоблаш ва тақдим этиш муддати;

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича бажариладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлаш тартиби назарда тутилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур қарорнинг 1-иловасига асосан субсидия ажратиладиган туманлар бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан масъуллар ва муддатларни аниқ белгилаган ҳолда ҳар бир туман учун алоҳида «Йўл харитаси»ни тасдиқласин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2023 йил 15 декабрга қадар мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ синов тариқасида субсидия ажратилган туманларда пахта хомашёсини етиштириш натижаларини таҳлил қилиб, мазкур тажрибани республиканинг бошқа туманларида жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Ҳисоб палатаси (Б.Т. Турабов) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда мазкур қарор доирасида Давлат бюджети ҳисобидан маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

8. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, молия вазири Т.А. Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республика-

си Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 25 март,  
ПҚ-179-сон



## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **124 Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш, бу борадаги барча жараёнларни тўлиқ электронлаштириш ҳамда мавжуд бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай ва кенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон Фармониға мувофиқ:

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия олишда талабгордан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кафолат хатларини олишни талаб қилиш тартиби бекор қилинганлиги;

ер қаъри бўйича геологик материалларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаш ҳақида қарор ҳамда геология кидирув ишлари лойиҳасини келишиш бўйича рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ер қаъри бўйича геологик материалларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизаси хулосасига бирлаштириш орқали бекор қилинганлиги;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ ер остини ўрганиш ишлари бўйича ҳисобни юритиш ҳамда ер ости бойликларини қазиб олиш жараёнида қазиб олинган ва йўқотилган фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқаришни келишиш бўйича рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ ер остини ўрганиш ишлари бўйича ҳисобни юритишга бирлаштириш орқали бекор қилинганлиги;

кон ажратиш далолатномаси, кончилик ва қайта ишлаш корхонасининг техник лойиҳаси ҳамда корхонанинг фойдали қазилмаларни қазиб олиш лойиҳаси, шу жумладан коннинг тажриба синовини мувофиқлаштиришни келишиш кон ажратиш далолатномасига бирлаштирилган ҳолда бекор қилинганлиги;

руда ва норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участ-

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 26 мартда эълон қилинган.

каларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия «рухсатнома»га ўзгартирилиб, барча жараёнларни, жумладан тўғридан-тўғри музокаралар асосида рухсатномани беришни тўлиқ электронлаштириш назарда тутилганлиги;

б) «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8<sup>1</sup> ва 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат геология қўмитаси) томонидан ер ости бойликлари давлат фонди тасарруф этилиши, шунингдек фойдали қазилма конлари, фойдали қазилма белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри юритилиши;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 6 октябрдаги ПФ-6319-сон Фармониға мувофиқ 2022 йил 1 январдан бошлаб:

муҳим тижорат салоҳиятига эга бўлган углеводородлар, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металллар ва бошқа турдаги рудали фойдали қазилмалар объектлари бўйича геологик ўрганиш ёки аввал ўрганилган ер қаъри участкасида қазилма ишлари учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини танлов савдоларига чиқаришнинг махсус тартиби ўрнатилганлиги;

танлов савдолари ташкилотчиси ёки танлов савдолари иштирокчилари қонунчиликда белгиланган тартибда фойдали қазилмаларни қазиб олишда (ажратиб олишда) айрим солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларини оширилган миқдорда таклиф қилиш ҳуқуқига эгалиги;

ажратилган майдон ва фойдали қазилма турларидан келиб чиқиб, қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқиладиган, геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови жорий қилиниши;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқи учун ундириладиган тижоратбоп топилма бонусини ҳамда фойдали қазилмаларни аниқлаш ва разведка қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун ундириладиган имзали бонусни бекор қилишга розилик берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

## 2. Белгилаб қўйилсинки:

ер қаъри давлат фондининг кадастриға киритилган ер участкалари ер қаъри участкаларидан фойдаланиш соҳасида ваколатли орган — тегишлилигиға Давлат геология қўмитасиға ёки Давлат экология қўмитасиға уларнинг мурожаатларига асосан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратиб берилади;

ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун зарур бўлганда ер участкалари қонунда белгиланган тартибда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилади (сотиб олинади);

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун олиб қўйилаётган (сотиб олинаётган) ер участкасининг эгаси, фойдаланувчиси, ижарачи-

си ёки мулкдори билан компенсация тўловлари миқдори ва шартлари келишилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун олиб қўйилган (сотиб олингандан) ер участкаларининг ер фонди тоифаси ўзгартирилади ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилади;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома ер қаъридан фойдаланувчига қонунчиликка мувофиқ тегишли ер участкасини ижара ҳуқуқи асосида тақдим этиш учун асос ҳисобланади;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома бериш билан бир вақтда ер қаъри участкаларидан фойдаланиш соҳасида ваколатли орган ва ер қаъридан фойдаланувчи ўртасида ер участкасининг ижара шартномаси тузилади ва у рухсатномага илова қилинадиган ер қаъридан фойдаланиш шартларининг ажралмас қисми ҳисобланади;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш тегишли ер қаъри участкаси Давлат геология қўмитасига ёки Давлат экология қўмитасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилганидан кейингина амалга оширилади;

ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун ер участкасини белгиланган тартибда олиб қўйиш (сотиб олиш) билан боғлиқ харажатлар кейинчалик ер қаъридан фойдаланувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармага рухсатнома расмийлаштирилгунга қадар қоплаб берилади (амалга оширилади);

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш соҳасида ваколатли органга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган ер қаъри участкалари ер қаъридан фойдаланувчига ижарага берилгунга қадар ер солиғи объекти ҳисобланмайди;

ер қаъридан фойдаланувчи ижарага берилган ер участкаси ва юритадиган фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ва қонунчиликда назарда тутилган солиқлар ва тўловларни амалга оширади, шу жумладан ер солиғининг субъекти ҳисобланади;

ер участкаси ер қаъридан фойдаланиш учун ижарага берилганда ижара тўлови ундирилмайди.

### 3. Қўйидагилар:

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ер қаъри бўйича геологик материалларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизаси хулосасини беришнинг маъмурий регламенти 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

юрдик шахсларга ер қаъри бўйича геологик материалларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизаси хулосаси «Лицензия» ахборот тизими орқали берилади;

ер қаъридан фойдаланувчиларга илгари расмийлаштирилган эски намунадаги лицензиялар янги намунадаги рухсатномага алмаштирилган ҳолда 2023 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Геологик жиҳатдан ўрганиш мақсадида ер қаъридан фойдаланганлик учун рухсатномада кўрсатилган муддатга мувофиқ ҳар йиллик лицензия тўлови геологик ўрганиладиган ер қаърининг ҳар бир гектари учун қуйидаги миқдорларда тўланади:

асосий — углеводород, қимматбаҳо, рангли ва ноёб металллар ҳамда бошқа рудали фойдали қазилмаларга қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизи;

норуда, жумладан кенг тарқалган фойдали қазилмаларга қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш фоизи.

5. Давлат геология қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ер қаъридан фойдаланувчиларга расмийлаштирилган эски намунадаги лицензияларни янги намунадаги рухсатномага 2022 йил 1 декабрга қадар «Лицензия» ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали бепул алмаштириш чораларини кўрсин.

Бунда, ер қаъридан фойдаланувчиларга илгари расмийлаштирилган лицензияларнинг амал қилиш муддати:

янги намунадаги рухсатномаларда сақланиб қолинади;

яқунланишига бир ярим йилдан кам вақт қолган тақдирда, уларни янги намунадаги рухсатномага алмаштириш талаб этилмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага\* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Геология, энергетика, саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари департаментига ҳамда

---

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Б.Ф. Исламов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 25 март,  
133-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 25 мартдаги 133-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун  
рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом ер қаъри участкалари фойдаланишга, шу жумладан, алоҳида битимлар асосида фойдаланишга берилган ҳолатларга нисбатан қўлланилади, маҳсулот тақсимотига оид битимлар ҳамда концессия соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу Низомнинг амал қилиши норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ва қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш ҳуқуқи учун рухсатномалар беришга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**«E-auction» электрон савдо платформаси** (кейинги ўринларда — савдо платформаси) — электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг аукционлар жараёнларидан оператор веб-портали орқали бевосита фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган ахборот тизими;

**геологик жиҳатдан ўрганиш учун стратегик турдаги (асосий) фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома** — унинг эгасини тадбиркорлик таваккалчилиги шартлари асосида (ер қаъридан фойдаланувчининг ўз маблағлари ҳисобидан) фойдали қазилма конларини қидириш, баҳолаш, разведка қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

**кон ажратиш далолатномаси** — рухсатномага мувофиқ ва ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномада кўрсатилган мақсадларда фойдаланишга берилган майдони ва чуқурлигига кўра чекланган ер қаърининг геометриклаштирилган участкаси;

**маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим, концессия ва бошқа алоҳида инвестиция битимлари** — шартнома ҳисобланиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳақ олиш асосида ва муайян муддатга чет эллик инвесторга битимда кўрсатилган ер қаъри участкасида конларни аниқлаш, кидириш ва фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ҳамда шулар билан боғлиқ бўлган ишларни олиб бориш учун мутлақ ҳуқуқлар беради, инвестор эса ушбу ишларни ўз маблағлари ҳисобига ва таваккал қилиб амалга ошириш мажбуриятини олади (кейинги ўринларда — алоҳида битимлар);

**муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома** — унинг эгасини илмий ва ўқув полигонлари, геологик қўриқхоналар, табиат ёдгорликлари ҳамда илмий, тарихий, маданий, эстетик ва бошқа аҳамиятга молик бўлган ўзгача объектларни белгилаш, шунингдек, ғорлар ҳамда бошқа ер ости бўшлиқларидан илмий, даволаш-соғломлаштириш ёки туристик мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

**нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома** — унинг эгасини ер юзасига чиқиб қолган табиий жинслар, табиий ер ости бўшлиқлари (ғорлар), ишлатиб бўлинган конлар, кон қазииш корхоналарининг ағдармаларидан (кон ажратиш далолатномаси эгаси билан келишув бўйича) нодир тош хом ашёсининг якка-ёлғиз намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни ажратиб олиш, шунингдек, кон ишлари ва махсус ишларнинг бошқа турларини амалга оширмасдан (ер қаъри яхлитлигини бузмасдан) дарёларнинг қайирларида намуналарни тўплаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

**оператор** — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси;

**стратегик турдаги (асосий) фойдали қазилмалар** — олтин, кумуш, мис, кўрғошин, рух, вольфрам, уран, платина ва платиноидлар, нодир металллар ва нодир ер элементлари, темир, марганец, қимматбаҳо тошлар ҳамда углеводородлар (нефть, газ, конденсат) ва улар билан боғлиқ компонентлар, саноат аҳамиятига молик ер ости сувлари, кўмир, ёнувчи сланецлар;

**техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома** — унинг эгасини кон қазииш ва қайта ишлаш ишлаб чиқаришларининг таркибида фойдали компонентлар мавжуд бўлган чиқиндиларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур рухсат берувчи ҳужжатлар олинишини ҳисобга олган ҳолда қайта ишлаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

**Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома** — унинг эгасини ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш, шу жумладан, углеводородларни ер остида сақлаш, чиқиндиларни сақлаш ва қўмиб ташлаш учун ер қаърининг муайян участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

**фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома** — унинг эгасини фойдали қазилма конини ишлатиш, қазиб олинган минерал хом ашёни қайта ишлаш, шу жумладан, агар рухсатнома шартларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, қазиб чиқариш жараёнида олинган техноген минерал ҳосилалардан қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур рухсат берувчи ҳужжатлар олиншини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш (қайта ишлаш) ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

4. Геологик жиҳатдан ўрганиш учун тадбиркорлик таваккалчилиги шартларида фойдали қазилма конларини қазиб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш ва бошқа мақсадлар, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ва ушбу Низомда назарда тутилган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун асос рухсатнома ҳисобланади.

Белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари Давлат геология қўмитасининг буюртмаси бўйича минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта ишлаб чиқариш давлат дастурлари доирасида ер қаърини геологик ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи пайдо бўлиши учун асос ҳисобланади.

Рухсатнома маълум бир муддат белгиланган аниқ чегаралар доирасида унинг эгасининг ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди ва ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини белгилайди.

5. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар берувчи ваколатли органлар (кейинги ўринларда — ваколатли орган):

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси) томонидан — чиқиндиларни сақлаш ва қўмиб ташлаш мақсадида ер ости иншоотларини қуриш ва фойдаланиш учун;

Давлат геология қўмитаси томонидан — ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа барча турлари учун берилади.

## **2-боб. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома**

6. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома қуйидаги мақсадлар учун берилади:

- геологик жиҳатдан ўрганиш;
- фойдали қазилмаларни кавлаб олиш;

техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш;

Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш;

муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш;

нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш.

Рухсатнома, қоидага кўра, ушбу бандда белгиланган ер қаъридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун алоҳида берилади.

7. Рухсатномалар аукцион савдолари, танлов натижалари ёки «биринчи келган биринчи олади» тамойилига асосан талабгор аризасини кўриб чиқиш (юримдик шахсларнинг Ваколатли орган билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориши) натижаси асосида ушбу Низомда белгиланган тартибда берилади.

8. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар:

ўрганилганлик даражаси ва кон очиш салоҳияти юқори бўлган истикболли майдонларни геологик ўрганиш учун электрон платформада ўтказиладиган аукцион натижаларига кўра ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича;

ўрганилмаган ёки кам ўрганилган ер қаъри участкаларини геологик ўрганиш учун «биринчи келган биринчи олади» тамойилига асосан талабгор аризасини кўриб чиқиш орқали ушбу Низомнинг 7-бобига ва 4-иловага мувофиқ схема бўйича;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш (ер қаъридан фойдаланувчининг балансида бўлмаганда) учун аукцион ёки танлов (тендер) натижаларига кўра мос равишда ушбу Низомнинг 5-боби ва 1-иловасига ҳамда 6-боби, 2 ва 4-иловаларига\* мувофиқ схемалар бўйича;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш, шу жумладан, чиқиндиларни сақлаш ва кўмиб ташлаш мақсадида, муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш, нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун «биринчи келган биринчи олади» тамойилига асосан талабгор аризасини кўриб чиқиш йўли билан ушбу Низомнинг 7-бобига ва 6, 8 ҳамда 10-иловаларга\* мувофиқ схемалар бўйича берилади.

9. Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ишларни молиялаштирган юримдик шахслар рухсатномага мувофиқ ўзлари разведка қилиб, аниқлаган конда фойдали қазилмаларнинг захиралари Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясида (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) тасдиқланган санадан бошлаб бир йил мобайнида фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун

---

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



рухсатнома олиш юзасидан мутлақ ҳуқуққа (кейинги ўринларда — мутлақ ҳуқуқ) эгадирлар.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқининг амал қилиш муддати давомида «биринчи келган биринчи олади» тамойилига асосан талабгор аризасини кўриб чиқиш орқали ушбу Низомнинг 7-бобида белгиланган тартибда берилади.

Бунда, мутлақ ҳуқуқ амал қилиш муддати тугагунга қадар ушбу топилган конларда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномани қидириш ишларини ўз ҳисобидан ўтказган юридик шахслардан ташқари бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини ўз маблағлари ҳисобига ўтказган юридик шахс ўзи разведка қилган кондаги фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳуқуқидан воз кечган ёки фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномани олиш учун мутлақ ҳуқуқнинг муддати тугаган тақдирда фойдали қазилмалар конлари бўйича мазкур ҳуқуқ ушбу Низомда белгиланган тартибда аукцион ёки танлов (тендер) савдоси орқали талабгор юридик шахсларга таклиф этилади.

Бунда, ушбу банднинг учинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатларда юридик шахснинг қилган харажатлари, шу жумладан, ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборотлар қиймати қопланмайди.

10. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар қуйидаги ҳолларда «биринчи келган биринчи олади» тамойилига асосан талабгор аризасини кўриб чиқиш орқали берилиши мумкин:

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини ўз маблағлари ҳисобига ўтказган юридик шахс ўзи разведка қилган кондаги фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳуқуқига;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига мувофиқ;

ер қаърини геологик ўрганишга доир ишларни молиялаштирган юридик шахс ўзи қидириб, аниқлаган кондан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун мутлақ ҳуқуқни, Давлат геология қўмитаси билан келишилган ҳолда, бошқа шахсга (тўлиқ ёки қисман) бериш истагини билдирган тақдирда.

11. Фойдали қазилмаларни баҳолаш ва разведка қилиш босқичларида лойиҳа-смета ҳужжатларида асосланган ва фойдали қазилмалар захирасини ҳисоблаб чиқиш ва унинг сифатини баҳолаш учун етарли бўлган ҳажмда тажриба (намуна) ва тажриба-саноат усулида кавлаб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома олиш геологик ўрганишга доир рухсатнома мавжуд бўлганда талаб қилинмайди.

12. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома Давлат комиссияси томонидан захираси тасдиқланган фойдали қазилма конларига берилади.

13. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер қаъри участкасидан

фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома, агар бу конларни ишга туширишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ёмонлаштирмаса ва конларнинг бошқа қисмларини ишга тушириш учун тўсқинлик қилмаса, коннинг алоҳида участкасида фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун берилишига йўл қўйилади.

14. Бир коннинг бир нечта ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ишга туширилиши учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномалар берилишига йўл қўйилади.

15. Агар бажарилган техник-иқтисодий ҳисоб-китобларга мувофиқ конларнинг фақат бир нафар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан биргаликда ишга туширилиши рентабелли ҳисобланса, бир-бирига яқин жойлашган конларни ишга солиш учун ер қаъридан бир нафар фойдаланувчига ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган бир нечта рухсатнома бир вақтда берилишига йўл қўйилади.

16. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатноманинг эгаси фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлган ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ишларни унга берилган кон ажратиш далолатномаси доирасида, ушбу ишлар Давлат геология қўмитасида давлат ҳисобига олиниши шарти билан қўшимча рухсатномасиз амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

17. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномага мувофиқ фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш жараёнида олинган техноген минерал ҳосилаларга мулк ҳуқуқи ер қаъри участкасидан фойдаланиш муддатида рухсатнома эгасида сақланиб қолади. Ушбу ҳолатда техноген минерал ҳосилалардан фойдаланишга (қайта ишлашга) рухсатнома олиш талаб қилинмайди.

18. Техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома ер қаъридан фойдаланувчининг балансида бўлмаган ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш учун ёхуд техноген минерал ҳосилалар белгиланган тартибда бошқа ер қаъридан фойдаланувчига сотилган ёки берилган тақдирда берилади.

19. Техноген минерал ҳосилалар бошқа шахсга белгиланган тартибда сотилган ёки берилган тақдирда ёки агар фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун берилган рухсатноманинг амал қилиш муддатида техноген минерал ҳосилалар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан мулкый улуш сифатида янги корхонанинг устав фондига берилган тақдирда, улардан фойдаланиш (қайта ишлаш) учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома «биринчи келган биринчи олади» тамойилига биноан аризаларни тўғридан-тўғри кўриб чиқиш натижасида берилади.

20. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномалар нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплашга бериладиган рухсатномалардан ташқари фақат юридик шахсларга берилади.

21. Ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланишга ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома Давлат экологик экспертизаси ва Давлат комиссиясининг фойдаланиш учун бериладиган ер қаъри участкаси бўйича геологик материаллар экспертиза натижаларининг ижобий хулосалари мавжуд бўлганда берилади.

22. Қуйидагилар ер ости иншоотларига кирмайди:

қурилишнинг тегишли лойиҳалари билан белгиланган чуқурликда жойлашган бино ва иншоотларнинг пойдевори ва ер ости қисми;

ер ости алоқа линиялари, электр, газ, иссиқлик ва сув таъминоти ҳамда канализация объектлари;

метрополитен иншоотлари ва бошқа транспорт туннеллари;

магистрал ва кон қувурлари;

нефть ва нефть маҳсулотларини сақлаш учун ерга чуқур жойлаштирилган резервуарлар;

суғориш каналлари;

кимё корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган хом ашё ва материалларни сақлаш учун ерга чуқур жойлаштирилган резервуарлар.

23. Форлар ҳамда бошқа ер ости бўшлиқларидан даволаш-соғломлаштириш ёки туристик мақсадларда фойдаланиш мақсадида муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома ушбу объектларга муҳофаза этиладиган геологик объектлар мақоми берилгандан кейин «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ берилиши мумкин.

24. Нодир тош хом ашёсининг намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш мақсадида ер қаъри участкаларидан фойдаланиш учун ер участкаларини ажратиш талаб қилинмайди.

25. Нодир тош хом ашёсининг намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома:

геология, минералогия, палеонтология ва ўлкашунослик музейларининг илмий коллекцияларини бутлаш ва тўлдириш;

таълим муассасаларининг ўқув коллекцияларини бутлаш ва тўлдириш;

илмий-маърифий ва эстетик мақсаддаги хусусий геология ва палеонтология коллекцияларини бутлаш ва тўлдириш учун (таркибида қимматбаҳо тошлар ва металллар мавжуд бўлган намуналардан ташқари) берилиши мумкин.

26. Нодир тош хом ашёсининг намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекциябоп материалларнинг тўпланган намуналари юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки ҳисобланади ҳамда улар томонидан илмий, маърифий, тижорат, бадий, ҳунармандчилик ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

**3-боб. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари**

27. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш рухсатномада ва/ёки алоҳида битимларда назарда тутилган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларига мувофиқ амалга оширилади.

28. Ер қаъридан фойдаланиш турларига қараб Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги ва «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунларида белгиланган талаблар ва шартлар ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг асосий шартларига тегишлидир.

Рухсатнома олиш учун бажарилиши зарур бўлган шартлар рўйхати ваколатли органнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

29. Ер қаъридан фойдаланиш мақсадларига қараб ер қаъридан фойдаланиш шартларида қуйидаги қўшимча шартлар:

а) геологик жиҳатдан ўрганиш учун:

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича йириклаштирилган техник-иктисодий асосларни ишлаб чиқиш ва Давлат геология қўмитасига топшириш муддати;

атроф муҳитга таъсир кўрсатиши тўғрисида ариза лойиҳасига Давлат экология қўмитаси томонидан бериладиган ижобий давлат экологик экспертиза хулосасини Давлат геология қўмитасига топшириш муддати;

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш учун йиллик энг кам харажатлар бўйича мажбуриятлар миқдори, шу жумладан Давлат геология қўмитасига ер қаъри участкасидан фойдаланиш учун йириклаштирилган техник-иктисодий асосларни тақдим этган кундан бошлаб икки йил мобайнида бажариладиган минимал инвестиция мажбуриятлари;

Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясига тўқсон кун мобайнида ер қаъридан фойдаланиш бўйича лойиҳаларини тақдим этиш мажбурияти;

фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича минимал иш ҳажми, уларни амалга ошириш муддатлари;

олинган геологик ва бошқа маълумотларни ҳисобга олиш, сақлаш ва тизимлаштириш учун Давлат геология қўмитасига топшириш тартиби ва муддатлари;

фойдали қазилмаларни, шу жумладан, углеводородларни, саноатда фойдаланиладиган ер ости сувларини тажриба (намуна) учун ва тажриба-саноат усулида кавлаб олиш шартлари;

геологик материалларни давлат экспертизасидан ўтказиш ва фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш учун материалларни Давлат комиссиясига тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

кон ишланмалари ва қудуқларини аҳоли ҳаёти ва соғлиги, атроф муҳит хавфсизлигини таъминлайдиган ҳолатга келтириш, шунингдек, фойдаланилмайдиган кон ишланмалари ва қудуқларини тугатиш тартиби;

ер қаъридан фойдаланиш соҳасида, хавфли ишлар, ишлаб чиқариш, хавфли товарлар ва моддалар айланмаси, портловчи моддаларга Ўзбекис-

тон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасида рухсат бериш жараёнларидан ўтиш тартиби;

углеводородлар, портловчи ва кимёвий моддалар, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомаласи соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этиш шартлари;

фойдали қазилмаларни кавлаб олишда фойдаланиладиган ишлар ва хизматларда маҳаллий таъминотнинг энг кам улуш миқдори;

ер қаъридан фойдаланувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳаллий кадрларни ўқитиш ва илмий-тадқиқот ишлари, илмий-техник ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш бўйича мажбуриятлари миқдори;

ер қаъридан фойдаланувчининг ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонундан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ тўловлар, шу жумладан йиллик лицензия тўлови тўғрисидаги мажбуриятлар;

ер қаъридан фойдаланувчининг ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф қилиш бўйича кафолатларни тақдим этиш ва янгилаб бориш шартлари;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланиши, тўхта-тиб турилиши ёки муддатидан олдин тугатилиши мумкин бўлган шартлар;

б) фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун:

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш бўйича техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ва Давлат геология қўмитасига топшириш муддати;

атроф муҳитга таъсир кўрсатиши тўғрисида ариза лойиҳасига Давлат экология қўмитаси томонидан бериладиган ижобий давлат экологик экспертиза хулосани Давлат геология қўмитасига топшириш муддати;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун йиллик энг кам харажатлар бўйича мажбуриятлар миқдори, шу жумладан Давлат геология қўмитасига ер қаъри участкасидан фойдаланиш учун техник-иқтисодий асосларни тақдим этган кундан бошлаб икки йил мобайнида бажариладиган минимал инвестиция мажбуриятлари;

техник лойиҳаларни ва кавлаб олиш ишларини ривожлантириш режаларини, конларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ва ўзлаштириш тартиби ва муддатлари;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳажми;

углеводородларни қазишда фойдали қазилмаларни кавлаб олишнинг келишилган даражалари;

кавлаб олинган фойдали қазилмаларга мулк ҳуқуқи;

ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш шартлари;

техноген минерал ҳосилаларни сақлаш ва қайта ишлаш шартлари;

қўшилиб чиқадиган газдан фойдаланиш, шу жумладан, углеводородларни кавлаб олиш бўйича мажбуриятлар;

қувурлардан ва умумий инфратузилманинг бошқа объектларидан фойдаланиш шартлари (зарур бўлганда);

саноатда фойдаланиладиган ер ости сувларини олишнинг энг кўп йўл қўйиладиган миқдори;

кесишадиган сувли қатламларнинг ифлосланиши ёки силжишини истисно этадиган углеводородларни кавлаб олиш қудуқлари конструкциясига қўйиладиган талаблар;

сувли қатламда ер ости сувларининг йўл қўйиладиган пасайиши даражаси;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш корхоналарини тугатиш ёки консервация қилиш тартиби;

ер қаъридан фойдаланиш соҳасида, хавфли ишлар, ишлаб чиқариш, хавфли товарлар ва моддалар айланмаси, портловчи моддаларга Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасида рухсат бериш жараёнларидан ўтиш тартиби;

рухсатноманинг эгаси ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини (тўлиқ ёки қисман) бошқа шахсга бериши мумкин бўлган шартлар;

углеводородлар, портловчи ва кимёвий моддалар, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомаласи соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этиш шартлари;

фойдали қазилмаларни кавлаб олишда фойдаланиладиган ишлар ва хизматларда маҳаллий таъминотнинг энг кам улуш миқдори;

ер қаъридан фойдаланувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳаллий кадрларни ўқитиш ва илмий-тадқиқот ишлари, илмий-техник ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш бўйича мажбуриятлари миқдори;

ер қаъридан фойдаланувчининг ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ тўловлар тўғрисидаги мажбуриятлар;

ер қаъридан фойдаланувчининг ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф қилиш бўйича кафолатларни тақдим этиш ва янгилаб бориш шартлари;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланиши, тўхта-тиб турилиши ёки муддатидан олдин тугатилиши мумкин бўлган шартлар;

в) фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун:

углеводородларни, бошқа моддалар ва материалларни сақлашнинг энг кўп йўл қўйиладиган ҳажми;

Давлат экологик экспертизаси ва геология материалларининг давлат экспертизаси хулосалари ҳисобга олинган ҳолда белгиладиган чиқиндилар ва уларнинг концентрациясини сақлаш ва кўмиб ташлашнинг энг кўп йўл қўйиладиган ҳажми;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун ер қаъри участкаларидан

фойдаланиш туфайли атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган салбий таъсирни компенсация қилиш шартлари;

ер қаъридан фойдаланувчининг ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф қилиш бўйича кафолатларни тақдим этиш ва янгилаб бориш шартлари;

зарурат бўлганда санитария-муҳофаза зоналарини ташкил этиш шартлари;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланиши, тўхта-тиб турилиши ёки муддатидан олдин тугатилиши мумкин бўлган шартлар белгиланиши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланиш мақсади, фойдали қазилмаларнинг турлари, ишларни амалга оширишнинг географик-иктисодий шартлари, тасдиқланган фойдали қазилмалар захираларининг сифати ва миқдори, кон-геологик, гидрогеологик, кон-техник ва бошқа шартларга кўра ер қаъри участкасидан фойдаланиш рухсатномаларида қонунчиликка зид бўлмаган бошқа қўшимча шартлар белгиланиши мумкин.

Шунингдек, ер қаъридан фойдаланиш шартларида ер участкасининг ижара шартномаси, хусусан, ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ундан фойдаланиш муддатлари ва шартлари ҳамда ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун олиб қўйилаётган (сотиб олинаётган) ер участкаси бўйича — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ушбу ер участкасининг эгаси, фойдаланувчиси, ижарачиси ёки мулкдори билан келишилган компенсация миқдори ва уни тўлаш муддати назарда тутилади.

Ер қаъридан фойдаланиш шартлари, шу жумладан ер участкасининг ижара шартномаси ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Углеводород хом ашёси мавжуд бўлган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари Давлат геология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Геологик ўрганиш учун ер қаъридан фойдаланганлик учун йиллик лицензия тўлови миқдори геологик ўрганиладиган ер қаърининг бир гектари учун қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизи-ни ташкил этади ҳамда қуйидагиларга:

70 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

15 фоизи — вилоят маҳаллий бюджетига;

15 фоизи — туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига йўналтирилади.

Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф қилиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши кафолат, банк омонати гарови ва (ёки) суғурта (бундан буён матнда таъминот деб юритилади) билан таъминланади.

Таъминот ер қаърининг ҳар бир участкаси бўйича алоҳида тақдим этилади.

30. Давлат геология қўмитаси ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш бўйича ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларига:

йириклаштирилган техник-иқтисодий асосларни ва техник-иқтисодий асосларга мувофиқ ер қаъридан фойдаланиш параметрлари ўзгарганда;

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган ҳолатларда ва тартибда, шунингдек, агар қонунчилик ҳужжатлари билан ишларни бехатар олиб бориш, ер қаърини, атроф муҳитни ва фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш нормалари ва қоидаларига ўзгартиришлар киритилган ҳолларда ўзгартиришлар киритиши мумкин.

31. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари, шунингдек, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаганда, шунингдек, рухсатнома берилган пайтдагидан жиддий равишда фарқ қиладиган ҳолатлар пайдо бўлганда минерал хом ашё ва уни қайта ишлаш маҳсулотларига конъюнктура ўзгариши муносабати билан ер қаъридан фойдаланувчининг илтимосномаси бўйича қайта кўриб чиқиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Рухсатнома эгаси, бу ҳақда ушбу ҳолатлар пайдо бўлган пайтдан олти кун давомида ваколатли органни «Лицензия» ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали хабардор қилиб, фойдали қазилмалар кавлаб олишни вақтинча тўхтатиши ва кон ишланмаларини ва ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган инфратузилма объектларини белгиланган тартибда консервация қилиши мумкин. Консервация қилиш вақти рухсатнома амал қилишининг умумий муддатига киритилади.

Бундай ҳолларда рухсатномаларни қайта расмийлаштириш ушбу Низомнинг 11-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **4-боб. Ер қаъридан фойдаланиш муддатлари**

32. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи:

а) геологик жиҳатдан ўрганиш учун — беш йилгача муддатга;

б) фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун:

дастлаб рухсатнома берилганда — ўн йил муддатга, кейинчалик, техник-иқтисодий асослар белгиланган муддатларда тақдим этилгандан сўнг фойдали қазилма конини ёки техноген минерал ҳосилаларни ишга солиш даврини инобатга олган ҳолда, унинг муддатини узайтиришни кафолатлаш шarti билан;

техник-иқтисодий асослар тақдим этилгандан сўнг — фойдали қазилма конини ёки техноген минерал ҳосилаларни ишга солишнинг техник-иқтисодий асосларда белгиланган муддатига;

в) нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябop материалларни тўплаш учун — икки йилгача муддатга;

г) фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун ер қаъри участкала-



ридан фойдаланиш, шу жумладан, нефть, газ, газ конденсати, бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлаш, чиқиндиларни сақлаш ва кўмиб ташлаш учун — муддатсиз фойдаланишга;

д) муҳофаза этиладиган геология объектларини барпо этиш учун — муддатсиз фойдаланишга берилади.

33. Ер қаъридан фойдаланиш муддатлари рухсатномада кўрсатилади ва ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

34. Ер қаъридан фойдаланиш муддати ер қаъридан фойдаланувчининг ваколатли органга йўллаган аризаси бўйича ер қаъридан фойдаланувчи томонидан рухсатномада белгиланган шартлар бажарилганда ва ер қаъри геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини тугаллаш, шунингдек, фойдали қазилмалар конларини ишга тушириш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш ёхуд фойдали қазилмаларни кавлаб олиш корхоналарини тугатиш ёки консервация қилиш ишларини амалга ошириш зарур бўлганда ер қаъридан фойдаланиш муддати тугашидан олти ойдан кечикмай узайтирилиши мумкин.

35. Ер қаъридан фойдаланиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш ушбу Низомнинг 11-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **5-боб. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини «E-auction» электрон савдо платформаси орқали реализация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари**

36. «E-auction» электрон савдо платформасида онлайн-аукцион орқали реализация қилинадиган ер қаъри участкалари рўйхати ҳар йили, лекин бир йилда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда Давлат геология қўмитаси томонидан ер қаъри участкасининг бошланғич нархи аниқланган ҳолда шакллантирилади.

Аукцион орқали бериладиган углеводород хом ашёси мавжуд бўлган ер қаъри участкалари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Энергетика вазирлиги билан келишилади.

Давлат геология қўмитасига аукционга қўйилмаган ёки рўйхатга киритилмаган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун талабгордан мурожаат келиб тушган тақдирда, ушбу ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома «E-auction» электрон савдо платформаси орқали ўрнатилган тартибда аукционга қўйилади.

Давлат геология қўмитаси ер участкаси унга ажратиб берилгандан сўнг уч иш куни давомида мурожаат этилган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини аукцион савдоларига чиқариш муддатлари ёки ушбу ер участкаларини фойдаланишга беришни рад этиш тўғрисида жавоб хатини талабгорга тақдим этади.

37. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини савдога қўйишнинг бошланғич нархи:

а) геологик жиҳатдан ўрганиш учун — фойдали қазилма турига қараб қуйидаги миқдорларда белгиланади:

углеводородлар конларини қидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи — базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг беш юз баравари;

олтин конларини қидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг уч юз баравари;

қимматбаҳо (олтиндан ташқари) ва рангли металллар конларини қидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи — базавий ҳисоблаш миқдорининг олти юз эллик баравари;

рудали фойдали қазилмалар конларини қидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи (бундан углеводородлар, олтин, қимматбаҳо ва рангли металллар конларини қидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи мустасно) базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз йигирма беш баравари;

б) фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланганлик учун — углеводородлар, қимматбаҳо, рангли металллар ва рудали фойдали қазилмаларнинг қазиб олинган ҳажмининг баҳосига нисбатан 0,15 фоиз миқдорида белгиланади.

38. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича онлайн-аукцион Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «E-auction» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва электрон танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ўтказилади.

Аукцион натижалари ҳақидаги баённома Давлат геология қўмитасига — аукцион ғолибига тегишли ер қаъри участкаси бўйича геологик ва бошқа маълумотлар тўпламини бериш ҳамда тегишли рухсатномани расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

Аукцион ғолибига махфийлик тўғрисидаги шартнома асосида сўралаётган ер қаъри участкаси бўйича геологик ва бошқа маълумотлар тўплами бепул тақдим этилади.

Геологик ва бошқа маълумотлар тўпламида ер қаъри участкаси майдонининг контури, кон-техник, технологик ва бошқа маълумотлар йириклаштирилган техник-иктисодий асослаш ёки техник-иктисодий асослашни ишлаб чиқиш учун етарли ҳажмда бўлиши керак.

Ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун белгиланган тартибда олиб қўйилган (сотиб олинган) ер участкаси билан боғлиқ харажатлар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармага рухсатнома расмийлаштирилгунга қадар қоплаб берилиши лозим.

39. Рухсатнома расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тегишли ер қаъри участкаси бўйича қуйидаги ҳужжатлар тўплами Давлат геология қўмитасига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали тақдим этилади:

а) рухсатнома ер қаъри участкасини геологик ўрганиш учун берилганда, рухсатнома берилган кундан бошлаб 6 (олти) ой мобайнида:

йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар;

атроф муҳитга таъсир кўрсатиши тўғрисида ариза лойиҳасига Давлат экология қўмитаси томонидан бериладиган ижобий давлат экологик экспертиза хулосаси;

б) рухсатнома фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун берилганда, рухсатнома берилган кундан бошлаб 12 (ўн икки) ой мобайнида:

белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилган техник-иқтисодий асослар;

атроф муҳитга таъсир кўрсатиши тўғрисида ариза лойиҳасига Давлат экология қўмитаси томонидан бериладиган ижобий давлат экологик экспертиза хулосаси.

Мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш муддатларини фақат бир маротаба, мос равишда олти ойгача ёки бир йилгача муддатга узайтиришга рухсат берилади.

Бунинг учун, рухсатнома расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланувчи томонидан мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган муддат тугашидан бир ой аввал ушбу банднинг саккизинчи хатбошида кўрсатилган муддатлар чегарасида узайтириш тўғрисида аниқ асослар келтирилган ариза «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали Давлат геология қўмитасига тақдим этилади.

Давлат геология қўмитаси беш иш кунида тақдим этилган аризани ва унда келтирилган асосларни ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш натижаси бўйича ер қаъридан фойдаланувчига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали ҳужжатларни тақдим этиш муддатини узайтириш ёки аризани рад этиш тўғрисида маълум қилади.

Рухсатнома расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тақдим этилиши зарур бўлган ҳужжатлар тўплами мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида белгиланган муддатларда Давлат геология қўмитасига топширилмаган тақдирда, унга расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома ушбу Низомнинг 100-бандига мувофиқ муддатидан олдин бекор қилинади.

Давлат геология қўмитаси зарур ҳужжатларни ва бошқа ваколатли органлардаги мавжуд ахборотларни белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиш орқали, шу жумладан, электрон шаклда мустақил равишда олади, мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно.

40. Давлат геология қўмитаси ўн иш кунида тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини ўрганиб чиқади ва ўрганиш натижаси бўйича «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали:

геологик жиҳатдан ўрганиш учун рухсатнома расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланувчига — ушбу ҳужжатлар асосида фаолиятни давом эттириш мумкинлиги ва ҳужжатлар тўплами қабул қилингани тўғрисида маълумотни;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун рухсатнома расмийлаштирилган ер қаъридан фойда-

ланувчига — техник-иқтисодий асосларда кўрсатилган фойдали қазилма конини ёки техноген минерал ҳосилаларни ишга солиш даврини инобатга олган ҳолда белгиланган ер қаъридан фойдаланиш муддати тўғрисида маълумотни ҳамда янгиланган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларининг, шу жумладан ижара шартномасининг лойиҳасини юборади.

41. Такдим этилган ҳужжатлар бўйича камчиликлар аниқланган ҳолларда тегишли ер қаъридан фойдаланувчилар ўн иш кунида камчиликларни бартараф этишлари ва Давлат геология қўмитасига бу ҳақда «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали маълумот такдим этишлари лозим. Бунда, қайта такдим этилган ҳужжатлар камчиликлар бартараф этилган ва маълумот такдим қилинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида қайта кўриб чиқилади.

Камчиликларни ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган муддатдан йигирма иш кунидан ортиқ вақт мобайнида бартараф этмаслик ва Давлат геология қўмитасига маълумот такдим этмаслик расмийлаштирилган рухсатнома ва ер қаъри участкасини ажратиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

42. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун рухсатнома расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланувчи уч иш куни муддатда ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳасини электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ва «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали Давлат геология қўмитасига юборади.

43. Давлат геология қўмитаси ер қаъридан фойдаланувчидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари такдим этилгандан сўнг бир иш куни муддатда ер қаъридан фойдаланиш учун рухсатнома қайта расмийлаштирилгани тўғрисида тегишли реестрга ўзгартиришлар киритади ва QR-код (матрик штрихли код) қўйилган янги рухсатномани расмийлаштиради.

### **6-боб. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномани танлов (тендер) савдолари орқали бериш тартиби**

44. Углеводородлар хом ашёси объектлари, шунингдек, олтин ва бошқа асосий (стратегик) турдаги фойдали қазилмаларнинг юқори тижорат салоҳиятга эга алоҳида объектлари бўйича ҳамда алоҳида битимлар доирасида ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар талабгорларга танлов савдолари (кейинги ўринларда — тендер) орқали энг яхши таклифларни танлаш орқали берилади.

Тендерни ташкил этиш, ишчи органни белгилаш ва тендер волибинини аниқлаш вазифаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 989-сон қарори билан ташкил этилган Ер қаъридан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш бўйича Давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда — Тендер комиссияси) зиммасига юклатилади.

Танлов савдолари ташкилотчиси ёки танлов савдолари иштирокчилари қонунчиликда белгиланган тартибда фойдали қазилмаларни қазиб олишда (ажратиб олишда) махсус рента солиғи бўйича солиқ ставкаларини оширилган миқдорда таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Тендернинг ишчи органи тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш, Давлат экология қўмитаси, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва зарур ҳолларда бошқа давлат органлари билан келишишни таъминлайди.

45. Тендер икки босқичли ўтказилади ҳамда дастлабки малакалаш ва тендер қолибини саралаш босқичларини ўз ичига олади.

Икки босқичли тендер қуйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи босқичда талабгорларнинг малака ҳужжатлари кўриб чиқилади ва уларнинг тендер ҳужжатларида кўрсатилган малака мезонларига мослиги баҳоланади. Талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади;

иккинчи босқичда киритилган техникавий ва тижоратга оид (молиявий) таклифлар тендер предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳо албатта кўрсатилган ҳолда кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади.

Икки босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили қуйидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни ва дастлабки малака ҳужжатларини беришга доир сўровни оммавий ахборот воситаларида ҳамда Давлат геология қўмитасининг, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ва бошқа тегишли давлат органларининг (углеводородлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг) расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

талабгорларнинг малакасини тасдиқловчи дастлабки малака буюртмаларини йиғиш ва баҳолаш;

дастлабки малакалашдан ўтган талабгорларнинг рўйхатини шакллантириш;

дастлабки малакалашдан ўтган талабгорларга тендер ҳужжатлари тўпламини юбориш;

дастлабки малакалашдан ўтган талабгорлар томонидан тендер таклифларини тақдим этиш;

дастлабки малакалашдан ўтган талабгорларнинг тендер таклифлари солинган конвертларни очиш;

тендер таклифларини баҳолаш;

тендернинг қолибини ва захирадаги қолибини аниқлаш;

тендер қолиби билан музокаралар ўтказиш;

тендер қолиби ёки махсус лойиҳалаштириш компанияси билан ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари тўғрисида битим тузиш.

Дастлабки малакалашда иштирок этиш учун буюртмалар йиғиш муддати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

Дастлабки малакалашни ўтказиш натижасида камида иккита талабгор малака талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Тендер ғолибини танлаб олиш босқичида ишчи орган дастлабки малакаладан ўтган талабгорларга тендер таклифларини тақдим этишга доир сўровни ва ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари тўғрисидаги битим лойиҳасини юборди.

Тендер таклифларини бериш учун охириги муддат тендер таклифларини тақдим этишга доир сўровда кўрсатилади ва у дастлабки малакаладан ўтган талабгорларга ушбу сўров юборилган санадан эътиборан уч ойдан кам бўлмаслиги керак.

Талабгорлардан ҳеч бири биттадан ортиқ тендер таклифини тақдим этишга ҳақли эмас. Талабгор тендер комиссиясига тендер таклифларини тақдим этиш муддати тугагунига қадар исталган вақтда тендер таклифини ўзгартириши ёки қайтариб олиши мумкин.

Тендер таклифини тақдим этган иштирокчи ва у билан аффилиланган шахслар айнан битта тендерда алоҳида талабгорлар сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Тендер таклифларини баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган муддат ичида ўтказилади. Тендер таклифларини баҳолаш тендер комиссияси томонидан тендер ҳужжатларида белгиланган тендер мезонлари бўйича амалга оширилади.

Тендер иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари тендер таклифларини баҳолашда ҳозир бўлиши шарт эмас. Баҳолаш жараёнида тендер комиссияси тушунтиришлар бериш, улардан қўшимча маълумотларни сўраб олиш ва тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилигини тасдиқлаш учун талабгорларни чақириш ҳуқуқига эга. Тендер яқунларини чиқариш чоғида тендер иштирокчилари ва (ёки) уларнинг ишончли шахслари ҳозир бўлиши мумкин.

Тендер комиссияси барча талабгорларнинг тендер таклифларини тендер таклифларининг сўрови талабларига мувофиқ эмас деб топган тақдирда, шунингдек, агар дастлабки малакаладан ўтган талабгорларнинг сони икки нафардан кам бўлса, тендер бўлиб ўтмаган деб топилади ва тендер комиссияси такрорий тендерни эълон қилишга ҳақли. Такрорий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

Малака буюртмаларини ва тендер таклифларини қабул қилиш тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда ҳамда холларда электрон тарзда амалга оширилиши мумкин.

Талабгорларнинг тендерда иштирок этиши муносабати билан қилган харажатларининг ўрни қопланмайди.

Тендерни ўтказиш тартиб-таомиллари тендер комиссияси томонидан ушбу Низом талабларига мувофиқ белгиланади.

Тендер комиссиясининг қарорига асосан тендернинг иккинчи босқичида талабгорлардан тижоратга оид (молиявий) таклифларни қабул қилиш ва уларнинг ичидан энг яхшисини танлаб олиш жараёни «E-auction» электрон савдо платформасида (ёпиқ тарзда) дастлабки малакаладан ўтган талабгорлар иштирокида ўтказилиши мумкин.

46. Тендерни ташкил этиш учун Давлат геология қўмитаси Вазирлар

Маҳкамасига ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатномани танлов натижаларига кўра бериш тавсия қилинаётган ер қаъри участкаси бўйича таклифни (углеводородлар хом ашёси бўйича Энергетика вазирлиги билан келишган ҳолда) киритади.

Вазирлар Маҳкамаси тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, тендер комиссиясига тавсия қилинаётган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини тендер орқали сотиш масаласини маъқуллайди ва тендерни ташкил этиш тўғрисида кўрсатма беради.

Ишчи орган Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатмасига мувофиқ белгиланган муддатда Тендер комиссиясига қуйидагилар илова қилинган мурожаатни киритади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон ва дастлабки малака ҳужжатларини беришга доир сўров лойиҳалари;

тендерни ўтказиш регламенти (тендер мезонлари, тартиби ва қоидалари);

тендер ҳужжатлари тўплами, шу жумладан тендер ғолибини танлаб олиш босқичида фойдаланиладиган мезонлар, ер участкасидан ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиш шартлари ва ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари тўғрисидаги битим лойиҳалари (ушбу ҳужжатлар талабгорларнинг малакасини тасдиқловчи дастлабки малака буюртмаларини йиғиш ва баҳолаш босқичида ҳам тақдим этилишига йўл қўйилади);

таклиф этилаётган ер қаъри участкаси бўйича геологик маълумотлар, казиб олиш ёки геологик ўрганиш ишларини олиб бориш бўйича лойиҳа концепцияси, дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар келтирилган лойиҳа-баҳолаш ҳужжатлари;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатномани бериш, тендерни ташкил этиш ва унда қатнашишнинг дастлабки шартлари ва тартиби лойиҳаси.

Тендерни ташкил этиш ва унда қатнашишнинг дастлабки шартларида ғолибни аниқлаш мезонлари, ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг асосий ва қўшимча шартлари, танловни ўтказиш муддатлари ва тартиби акс эттирилади.

Тендер комиссияси тавсия қилинаётган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини сотиш бўйича тендерни ташкил этиш тартиби ва унда қатнашишнинг дастлабки шартларини тасдиқлайди ҳамда тендерни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Тендер тўғрисидаги хабарнома оммавий ахборот воситаларида, махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида, Давлат геология қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Энергетика вазирлигининг (углеводород хом ашёси объектлари бўйича) расмий веб-сайтида эълон қилиниши керак. Шунингдек, хабарнома чет элдаги Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари ва халқаро молия институтларининг ҳамда хорижий ихтисослашган тахлилий интернет ресурсларининг расмий веб-сайтида ҳам эълон қилиниши мумкин.

Хабарномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

аризани тўлдириш намунаси;  
тендерга қўйилаётган ер қаъри участкасининг номи;  
тендернинг ўтказиладиган вақти ва жойи, шу жумладан аризалар қабул қилинадиган манзил, аризалар беришнинг тугаш санаси ва соати;  
тендерда қатнашиш шартлари;  
дастлабки малака ҳужжатларини беришга доир сўров (талабгорларга қўйиладиган талаблар);  
таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;  
таклифларни расмийлаштиришга доир талаблар;  
ер қаъри участкаси тўғрисидаги йириклаштирилган геологик ва бошқа маълумотлар.

Тендерни ўтказиш тўғрисидаги хабарнома қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ахборотни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Тендер комиссияси томонидан тендер объектининг бошланғич нарҳини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, объектнинг нарҳи ушбу Низомнинг 37-бандида кўрсатилган миқдорлардан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

47. Дастлабки малакаладан ўтган талабгорларнинг тендер таклифларини кафолатлаш учун закат пули миқдори ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг мақсади ва фойдали қазилмаларнинг турларига боғлиқ ҳолда тендер комиссияси томонидан белгиланади.

48. Ғолиб томонидан тендер объекти қиймати аввал тўланган закат пули чегирилган ҳолда тўланади.

49. Тендерда қатнашиш учун аризалар қўйидаги ҳолларда:  
ариза уни қабул қилишнинг белгиланган санасидан ва тугайдиган вақтидан кейин берилганда;

ариза белгиланган талаблар бузилган ҳолда берилганда, шу жумладан агар унинг мазмуни тендернинг шартларига мувофиқ бўлмаса;

аризачи тақдим этган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлса;

аризачи ўзида тендер шартларида ер қаъри участкасидан фойдаланиш учун зарур молиявий ва техник воситалар мавжудлигини ёки мавжуд бўлишини тасдиқловчи далилларни тақдим этмаганда рад этилиши мумкин.

50. Аризачи ўзи тўғрисида нотўғри маълумотлар берганлигини тасдиқловчи фактлар тендер ўтказиш жараёнида аниқланса, мазкур аризачи танловдан четлатилади.

51. Ариза қабул қилингандан кейин ариза берувчига Махфийлик тўғрисидаги битим асосида сўралаётган ер қаъри участкаси бўйича батафсил геологик ва бошқа маълумотлар тўплами берилади.

Тижорат таклифи ариза берувчи мазкур тендерда ғолиб бўлган тақдирда давлат бюджетига ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномани олишга тўланиши кафолатланадиган маблағ миқдори кўрсатилган ҳужжат ҳисобланади.

52. Тендерда қўйидаги асосий мезонлар бўйича ғолиб аниқланади:  
ариза берувчининг қончилиқ соҳасидаги фаолият тажрибаси, унинг



молиявий ҳолати ва молиялаштириш манбалари, техник ва технологик имкониятлари;

ер қаъри участкасидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича ечимларнинг техник ва технологик афзалликлари, функционал ва инновацион тавсифлари;

танланган технологияларнинг одам саломатлиги, экология ва атроф муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш, сув ва энергияни тежайдиган инновацион ечимлар ҳамда «яшил технологиялар»дан фойдаланиш чораларининг мавжудлиги;

аризачи таклиф этаётган тижорат таклифи суммасининг миқдори;

фойдали қазилмаларни қазиб олишда (ажратиб олишда) махсус рента солиғи бўйича солиқ ставкаларини оширилган миқдорда белгилаш таклифлари.

Тендер комиссияси томонидан танлов шартларидан келиб чиқиб қўшимча мезонлар белгиланиши мумкин.

53. Тендер қолибини аниқлаш бўйича қарор тендер комиссияси томонидан ўн иш куни мобайнида қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

Тендер натижалари ҳақида бир иш кунида танлов иштирокчиларига ёзма маълумот берилади.

54. Тендер комиссиясининг баёни ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома бериш учун асос ҳисобланади.

55. Тендер қолибига ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома тендер комиссиясининг баёнига асосан «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали мазкур Низомнинг 56 — 67-бандлари билан белгиланган тартибда берилади.

Ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун белгиланган тартибда олиб қўйилган (сотиб олинган) ер участкаси билан боғлиқ харажатлар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармага рухсатнома расмийлаштирилгунга қадар қоплаб берилиши лозим.

**7-боб. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномаларни «биринчи келган биринчи олади» тамойилига биноан аризаларни тўғридан-тўғри кўриб чиқиш натижалари бўйича бериш тартиби**

**1-§. Геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома**

56. Ушбу Низомнинг 8, 9 ва 10-бандларида келтирилган ҳолатларда геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва тех-

ноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномани олиш учун талабгорлар Давлат геология қўмитасига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ ариза беради ва уни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

Геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномаларни «биринчи келган биринчи олади» тамойилига биноан аризаларни тўғридан-тўғри кўриб чиқиш натижалари асосида бериш ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Давлат геология қўмитаси зарур ҳужжатларни ва бошқа ваколатли органлардаги мавжуд ахборотларни белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиш орқали, шу жумладан, электрон шаклда мустақил равишда олади, мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно.

57. Геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баробари миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ундирилган йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) «Лицензия» ахборот тизими орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий газна ҳисобварағига ўтказилади;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

колган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи Ваколатли органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий газна ҳисобварағига ўтказилади;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига ўтказилади;

колган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи Ваколатли органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг 10-бандига асосан ўрганилганлик даражаси ва коночиш салоҳияти юқори бўлган истиқболли майдонларни геологик жиҳат-

дан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига мувофиқ «биринчи келган биринчи олади» тамойили асосида бериш кўзда тутилган тақдирда талабгор ушбу Низомнинг 37-бандида белгиланган сотув суммасини Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига тўлаб бериши талаб этилади.

58. Геологик жихатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномалар олиш учун ариза берувчиларга сўралаётган ер қаъри участкаси бўйича геологик ва бошқа маълумотлар тўплами ҳамда ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари Давлат геология қўмитаси томонидан йигирма кундан кечиктирмай «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали берилади.

Зарур ҳолларда, маълумотлар тўпламини олиш учун ариза берувчи томонидан махфийлик тўғрисидаги битим имзоланиши талаб этилиши мумкин. Бунда, Давлат геология қўмитаси ариза берилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай ариза берувчига махфийлик тўғрисидаги битим лойиҳасини «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали тақдим этади.

Геологик ва бошқа маълумотлар тўплами ариза берувчи билан келишилган ер қаъри участкаси майдонининг контури, кон-техник, технологик ва бошқа маълумотлар йириклаштирилган техник-иқтисодий асослаш ёки техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш учун етарли ҳажмда бўлиши керак.

59. Ариза берувчи уч иш куни мобайнида ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини электрон рақамли имзоси билан имзолайди ва «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали Давлат геология қўмитасига юборади.

Агар ариза берувчи ўттиз кун ичида ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини имзоламаса, Давлат геология қўмитаси ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

60. Давлат геология қўмитаси ариза берувчи томонидан ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари имзоланган кундан бошлаб бир иш куни муддатда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган рухсатномани расмийлаштиради.

61. Рухсатнома расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тегишли ер қаъри участкаси бўйича ушбу Низомнинг 40-бандига мувофиқ талаб этиладиган ҳужжатлар тўплами Давлат геология қўмитасига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали тақдим этилади.

62. Рухсатнома расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ушбу Низомнинг 41, 42 ва 43-бандларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

63. Геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномаларни бериш куйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

ариза берувчи томонидан нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар, шу жумладан, рухсатнома олиш учун зарур бўлган маълумотлар тўлиқ бўлмаганда;

ариза берувчи ўзи ҳақида нотўғри маълумот тақдим этганда;

ариза берувчи ишларнинг самарали олиб борилиши учун малакали мутахассислар, зарур молиявий ва техник воситаларнинг мавжудлигини тасдиқловчи маълумотни тақдим этмаганда;

ариза берувчи ер қаъридан фойдаланиш шартларини ўттиз кун муддатда имзоламаганда.

Геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома берилиши рад этилганлигига норозилик бўлганда, ариза берувчи қонун билан белгиланган тартибда рад этилганлик юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

64. Геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномалар беришни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг Давлат геология қўмитаси бир иш куни ичида ариза берувчига рад этилганлик тўғрисида «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали хабарномани йўллайди, унда рад этилиш сабаблари ҳамда уларни бартараф этган ҳолда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиш муддати кўрсатилади.

Ариза берувчи рад этилишига асос бўлган сабабларни бартараф этиб, қайта кўриб чиқиш учун топширишга ҳақли бўлган муддат бунда ўттиз кун этиб белгиланади.

65. Ариза берувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома беришнинг рад этилишига асос бўлган сабаблар белгиланган муддатларда бартараф этилган ҳолда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, рад қилиниш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги маълумот билан бирга топшириладиган ариза олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

66. Аризани такроран кўриб чиқишда рухсатнома беришнинг олдинги рад этилишига асос бўлган сабаблар билан хабарда кўрсатилган янги сабаблар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди, олдинги қоидабузишлар бартараф этилишини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари кўрсатилиши бундан мустасно.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун ҳақ олинмайди.

67. Ариза берувчи томонидан рад этилганлик тўғрисида хабарномада кўрсатилган муддат ўтиб бўлганидан сўнг берилган ариза янгидан берилган ариза деб ҳисобланади ва ушбу Низомнинг 7-боби 1-параграфида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

**2-§. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома**

68. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома олиш учун талабгор шахс Ваколатли органга «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ ариза беради ва уни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди. Бунда, ер қаъри маконидан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган қуйидаги мақсадларда Ваколатли органга:

Давлат экология қўмитасига — чиқиндиларни сақлаш ва қўмиб ташлаш учун;

Давлат геология қўмитасига — углеводородларни ер остида сақлаш учун мурожаат қилинади.

Ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома бериш ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Ваколатли орган керакли бўлган ҳужжатларни ва бошқа тегишли давлат органларидаги мавжуд ахборотларни белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиш орқали мустақил равишда, шу жумладан электрон шаклда олади (мазкур бандда кўзда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно).

69. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ундирилган йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) «Лицензия» ахборот тизими орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳуқумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига ўтказилади;

колган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

70. Ариза қабул қилинганидан сўнг ваколатли орган ўн кун муддатда рухсатномага киритилаётган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳасини ишлаб чиқади.

71. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳаси танишиш ва имзолаш учун ариза берувчига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали тақдим этилади.

Ариза берувчи беш кундан ошмайдиган муддатда ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳасини кўриб чиқади ва электрон рақамли имзоси билан имзолайди.

72. Ариза берувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари имзоланганидан сўнг ваколатли орган (Давлат экология кўмитасига — чиқиндиларни сақлаш ва кўмиб ташлаш учун, Давлат геология кўмитасига — углеводородларни ер остида сақлаш учун) уч кун муддатда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган рухсатномани расмийлаштиради.

73. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномаларни бериш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

ариза берувчи томонидан нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар тақдим этилса, шу жумладан, рухсатнома олиш учун зарур бўлган маълумотлар тўлиқ бўлмаганда;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри маълумотлар аниқланганда;

ариза берувчи ер қаъридан фойдаланиш шартларини ўттиз кун муддатда имзоламаганда.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома бошқа сабабларга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома берилиши рад этилганлигидан норози бўлинганда, ариза берувчи қонун билан белгиланган тартибда рад этилганлик юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

74. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ мақсадларда бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномалар беришни рад

қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг ваколатли орган бир иш куни ичида ариза берувчига рад этилганлик тўғрисида «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали хабарномани йўллайди, унда рад этиш сабаблари ҳамда уларни бартараф этган ҳолда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиш муддати кўрсатилади.

75. Ариза берувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар белгиланган муддатларда бартараф этилган ҳолда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, рад қилиниш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги маълумот билан бирга топшириладиган ариза олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун ҳақ олинмайди.

### **3-§. Мухофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома**

76. Мухофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома олиш учун рухсатнома олувчи Давлат геология қўмитасига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали мазкур Низомнинг 7-илласига\* мувофиқ буюртма беради ва уни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

Мухофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномаларни бериш ушбу Низомга 8-илласига\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Ваколатли орган керакли бўлган ҳужжатларни ва бошқа ваколатли органлардаги мавжуд ахборотларни белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиш орқали мустақил равишда, шу жумладан электрон шаклда олади (мазкур бандда кўзда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно).

77. Мухофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома олиш учун берилган буюртмани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш микдорининг 4 баробари микдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ундирилган йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) «Лицензия» ахборот тизими орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий вазна ҳисобварағига ўтказилади;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳуқумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади;

---

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий газна ҳисобварағига ўтказилади;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига ўтказилади;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

78. Буюртмалар экспертизаси улар тақдим этилган вақтдан бошлаб бир ҳафталик муддатда Давлат геология қўмитаси томонидан амалга оширилади.

79. Буюртмалар экспертизадан ўтказилганидан сўнг Давлат геология қўмитаси томонидан бир иш куни муддатда рухсатномага киритилаётган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳаси тайёрланади ва танишиб чиқиш ҳамда имзолаш учун ариза берувчига тақдим этилади.

80. Ариза берувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари электрон рақамли имзоси билан тасдиқланганидан сўнг Давлат геология қўмитаси бир иш куни муддатда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган рухсатномани расмийлаштиради.

81. Муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномаларни бериш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

ариза берувчи томонидан нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар тақдим этилганда, шу жумладан, рухсатнома олиш учун зарур бўлган маълумотлар тўлиқ бўлмаганда;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри маълумотлар аниқланганда;

ариза берувчи ер қаъридан фойдаланиш шартларини ўттиз кун мобайнида имзоламаганда.

Муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома бошқа сабабларга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

Муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома берилиши рад этилганлигидан норози бўлганда ариза берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рад этилганлик юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

82. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар беришни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Давлат геология қўмитаси бир иш куни ичида ариза берувчига рад этилганлик тўғрисида «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали хабарномани йўллайди, унда рад этилиш сабаблари ҳамда уларни бартараф этган ҳолда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиш муддати кўрсатилади.



83. Ариза берувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар белгиланган муддатларда бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, рад қилиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги маълумот билан бирга топшириладиган буюртма олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун ҳақ олинмайди.

**4-§. Нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома**

84. Нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома олиш учун рухсатнома олувчи Давлат геология қўмитасига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали мазкур Низомнинг 9-иловасига\* мувофиқ буюртма беради ва уни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

Нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома бериш ушбу Низомга 10-иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Ваколатли орган керакли бўлган ҳужжатларни ва бошқа ваколатли органлардаги мавжуд ахборотларни белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиш орқали мустақил равишда, шу жумладан электрон шаклда олади (мазкур бандда кўзда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно).

85. Нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома олиш учун берилган буюртмани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ундирилган йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) «Лицензия» ахборот тизими орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳуқумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

---

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий газна ҳисобварағига ўтказилади;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига ўтказилади;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

86. Буюртма экспертизаси тақдим этилган вақтдан бошлаб бир ҳафта муддатда Давлат геология қўмитаси томонидан амалга оширилади.

87. Буюртма экспертизадан ўтказилганидан сўнг Давлат геология қўмитаси томонидан бир иш куни муддатда рухсатномага киритилаётган нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳаси тайёрланади ва танишиб чиқиш ва имзолаш учун ариза берувчига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали тақдим этилади.

88. Ариза берувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари электрон рақамли имзоси билан тасдиқланганидан сўнг Давлат геология қўмитаси бир иш куни муддатда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган рухсатномани расмийлаштиради.

89. Нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномаларни бериш қўйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

ариза берувчи томонидан зарур тарзда расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилганда, шу жумладан, рухсатнома олиш учун зарур бўлган маълумотлар тўлиқ бўлмаганда;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри маълумотлар аниқланганда;

ариза берувчи ер қаъридан фойдаланиш шартларини ўттиз кун мобайнида имзоламаганда.

Нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома бошқа сабабларга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

Нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома берилиши рад этилганлигидан норози бўлинганда, ариза берувчи қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

90. Нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни

ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган рухсатномалар беришни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Давлат геология қўмитаси бир иш куни ичида ариза берувчига рад этилганлик тўғрисида «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали хабарномани йўллайди, унда рад этилиш сабаблари ҳамда уларни бартараф этган ҳолда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиш муддати кўрсатилади.

91. Ариза берувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар белгиланган муддатларда бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш рад қилиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги маълумот билан бирга топшириладиган ариза олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун ҳақ олинмайди.

**8-боб. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи  
учун рухсатномаларни расмийлаштириш ва бериш, ушбу  
ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда давлат  
ҳисобига олиш тартиби**

92. Рухсатнома мазкур Низомнинг 11-иловасида\* келтирилган шаклда QR-код (матрик штрихли код) қўйиб расмийлаштирилади.

Стратегик турдаги (асосий) фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома паспорти 12-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

93. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш рухсатнома беришга ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

94. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар реестрига тегишли ёзувни киритиш йўли билан амалга оширилади.

Рухсатнома беришга ваколатли орган реестрларни ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг ҳар бир тури бўйича белгиланган тартибда алоҳида-алоҳида юритади.

95. Ҳар бир реестрда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

ер қаъридан фойдаланувчи тўғрисидаги асосий маълумотлар (номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, солиқ тўловчининг идентификация рақами, почта манзили, телефон ва факс рақамлари);

фойдаланишга берилган ер қаъри участкасининг номи;

ер қаъри участкасининг тури ва ундан фойдаланиш мақсади;

рухсатнома берилган сана ва тартиб рақами;

рухсатноманинг амал қилиш муддати;

рухсатномани қайта расмийлаштиришнинг асоси ва санаси;

---

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тугатишнинг асоси ва санаси.

96. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома реестрларидаги маълумотлар, очик бўлган маълумотлар базаси ҳисобланиб, мазкур реестр билан юридик ва жисмоний шахслар танишиб чиқиши мумкин.

97. Ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин фойдаланишга берилган ер қаъри участкаси давлат ҳисобига олинади.

98. Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларини давлат ҳисобига олиш ваколатли орган томонидан тегишли ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш материаллари олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади.

### **9-боб. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш**

99. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, алоҳида битимларда назарда тутилган ҳолларда чеклашни, тўхтатиб турилиши ёки муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

100. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки муддатидан олдин тўхтатиш ваколатли орган (Давлат геология қўмитаси ёки Давлат экология қўмитаси — чиқиндиларни сақлаш ва қўмиб ташлаш учун) томонидан судга берилган аризалари асосида суд тартибида амалга оширилади.

101. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки муддатидан олдин тўхтатиш ваколатли орган томонидан ер қаърини геологик ўрганиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш давлат назорати органларининг тақдимномалари асосида амалга оширилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотларини қуриш ва ишлатиш учун ер қаъри участкалари бундан мустасно.

102. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш барча участкада ёхуд унинг бир қисмида пайдо бўлган хавф-хатарлар ёки ер қаъридан фойдаланиш талаблари ва шартларининг, ер қаърини геологик ўрганиш бўйича ишларни юритиш нормалари ва қоидаларининг йўл қўйилган бузилишлари бартараф этилгунгача, бироқ уч ойдан кўп бўлмаган муддатга ишларнинг муайян турлари амалга оширилиши тақиқлаб қўйилишига сабаб бўлади.

103. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг тўхтатиб турилиши тўхтатиб туриш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилгунгача, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда ишларнинг барча турлари амалга оширилишининг тақиқлаб қўйилишига сабаб бўлади, кон ишланмаларининг сақланишини таъминлаш, иморатлар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни авариясиз, одамлар ва атроф-муҳит учун хавфсиз ҳолатда сақлаш ишлари бундан мустасно.

104. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

агар ер қаъридан фойдаланувчи бир йил давомида ер қаъри участкасидан фойдаланишни бошламаган бўлса;

ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг асосий шартлари бузилганлиги (ер қаъри участкасини давлат рўйхатига қўйиш, экологик талабларга риоя қилиш, геология-қидирув ишлари ва/ёки казиб олишнинг мўлжалланаётган ҳажмини таъминлаш, ижтимоий ва инвестиция мажбуриятларини бажариш);

ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг таъсири доирасида аҳоли ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга таҳдид юзага келиши;

ер қаъридан фойдаланганлик учун тўловларни мунтазам равишда тўламаган тақдирда;

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган талаблар қоидалар бажарилмаган тақдирда;

агар қоидабузарликлар мунтазам равишда амалга оширилса ёхуд ушбу ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига нисбатан олдин чеклов ва/ёки тўхтатиб туриш қўйилган бўлса.

Ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилган тақдирда фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланишда бузилган ер участкаларини ва бошқа табиий объектларни улардан келгусида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш ишларини амалга оширишга, шунингдек, кон ишланмаларини ҳамда ушбу ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган инфратузилма объектларини консервация қилиш ва/ёки йўқ қилиш ишларини бошлаши шарт.

105. Ер қаъри участкаси фойдаланишга берилган юридик шахс тугатилиши сабабли ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилган тақдирда Давлат геология қўмитаси томонидан тузилган махсус комиссия ёки алоҳида битимлар шартларига биноан ер қаъри участкалари тақдим этилган тақдирда «Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бошқарув қўмитаси ер қаъри участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ кон ишланмалари ва инфратузилма объектларини тугатиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги масалаларни ҳал этиши керак.

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда ер қаъри участкаси рухсатнома берган орган балансига ўтади.

106. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатиб турилганда ва (ёки) тўхтатилганда бу тўғрида Давлат геология қўмитаси уч иш куни мобайнида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Давлат экология қўмитаси, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси ва ер қаъри фойдаланишга берилган юридик шахсга қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли ахборотни жўнатади.

**10-боб. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқидан ўзга шахс фойдасига воз кечиш**

107. Фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш, қазиб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш ҳуқуқи учун берилган рухсатнома эгаси Давлат геология қўмитаси билан келишган ҳолда ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини (тўлиқ ёки қисман) бошқа шахсга, агар ушбу шахс рухсатномада белгиланган шартларни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олса, бериши мумкин.

Бунда ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ўзига ўтаётган шахс рухсатнома эгасига қўйилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномаларни улар берилган санадан бошлаб икки йил мобайнида рухсатномалар расмийлаштирилган ер қаъри фойдаланувчиларидан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш, шу жумладан ер қаъри фойдаланувчиларининг таъсисчилари (операцион фаолиятини бошқариш овозига эга мажоритар акциядорлари)ни тўлиқ ўзгартириш тақиқланади.

108. Ўзи томонидан қидирилган конда фойдали қазилмаларни кавлаш ишларига рухсатнома олишга мутлақ ҳуқуқи мавжуд бўлган ер қаърини геологик ўрганишга доир ишларни молиялаштирган юридик шахс ушбу ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини Давлат геология қўмитаси билан келишган ҳолда бошқа шахсга (тўлиқ ёки қисман) бериши мумкин.

109. Алоҳида битимлар шартларида берилган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини (тўлиқ ёки қисман) бошқа шахсга бериш «Маҳсулот тақсимооти тўғрисидаги битимлар ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига ва/ёки «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланади.

110. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини (тўлиқ ёки қисман) бошқа шахсга беришни келишиб олиш рухсатнома эгаси томонидан Давлат геология қўмитасига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали мазкур Низомнинг 13-иловасига\* мувофиқ ариза бериш йўли билан амалга оширилади.

Аризада ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш сабаблари, ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсга қисман берилган тақдирда эса — талабгорнинг фойдали қазилмаларни ёки техноген минерал ҳосилаларни қазиб олиш, қайта ишлаш билан боғлиқ фаолиятининг мўлжалланаётган тури кўрсатилади. Аризага ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ўзига ўтаётган шахснинг рухсатнома эгасига қўйиладиган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

111. Давлат геология қўмитаси ариза олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини (тўлиқ ёки қисман) бошқа шахсга беришнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қарор ариза берувчига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали юборилади.

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини беришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда қабул қилинган қарор асослантирилган бўлиши керак. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни қайта келишиб олишда ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни келишиб олиш рад этилган аввалги қарорда кўрсатилмаган янги асослар бўйича уни рад этишга йўл қўйилмайди.

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа шахсга берилиши тўғрисидаги Давлат геология қўмитаси билан келишилган қарор томонларнинг ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги тегишли шартномани тузиш ва ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи (тўлиқ ёки қисман) берилаётган шахсга рухсатнома берилиши учун асос ҳисобланади.

### **11-боб. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномани қайта расмийлаштириш**

112. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномани қайта расмийлаштириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- юридик шахс қайта ташкил этилганда ёки унинг номи ўзгарганда;
- ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсга берилганда;
- ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари ўзгарганда;
- ер қаъри участкасидан фойдаланиш муддати узайтирилганда.

113. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномани қайта расмийлаштириш рухсатномани берган ваколатли орган томонидан рухсатнома эгасининг «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали мазкур Низомнинг 14-иловасига\* мувофиқ берилган аризаси асосида амалга оширилади.

Юридик шахс қайта ташкил этилганда ёки унинг номи ўзгарганда ариза рухсатнома эгаси томонидан қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин ўн кун муддатда берилиши керак.

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризага тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

114. Рухсатномани қайта расмийлаштириш учун зарур ҳужжатлар илова қилинган ариза тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида ваколатли орган томонидан кўриб чиқилади (ушбу Низомда белгиланган ҳоллар бундан мустасно).

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш муддатини узайтириш учун рухсатнома қайта расмийлаштирилганда ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларининг бажарилиши тўғрисида берилган маълумотлар ваколатли орган томонидан ўрганиб чиқилади.

Тақдим этилган ариза ва ҳужжатлар бўйича камчиликлар аниқланган ҳолларда тегишли ер қаъридан фойдаланувчилар ўн иш кунида кам-

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чиликларни бартараф этишлари ва ваколатли органга бу ҳақда «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали маълумот тақдим этишлари лозим. Бунда, ариза камчиликлар бартараф этилган ва маълумот тақдим қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида қайта кўриб чиқилади.

115. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномани қайта расмийлаштириш учун ариза ва зарур ҳужжатларни кўриб чиқиш натижасига кўра ваколатли орган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳасини имзолаш учун ариза берувчига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали тақдим этади.

Ариза берувчи уч иш куни муддатда ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳасини электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ва «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали ваколатли органга юборди.

116. Ер қаъридан фойдаланиш учун рухсатнома қайта расмийлаштирилганда бир иш куни муддатда тегишли реестрга ўзгартиришлар киритилади ва ваколатли орган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган рухсатномани расмийлаштиради.

117. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома қайта расмийлаштирилганда рухсатнома беришга буюртманомани кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг эллиқ фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ундирилган йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) «Лицензия» ахборот тизими орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ҳазна ҳисобварағига ўтказилади;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ҳазна ҳисобварағига ўтказилади;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига ўтказилади;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.



**12-боб. Якунловчи қоидалар**

118. Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, ваколатли органлар томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

119. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 25 мартдаги 133-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри  
участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун  
рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ****1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш (дарё ўзанларини тозалаш жараёнида қум-шағал материалларини қазиб олиш бундан мустасно) ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«**E-auction**» **электрон савдо платформаси** (кейинги ўринларда — савдо платформаси) — электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг аукционлар жараёнларидан оператор веб-портали орқали бевосита фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган ахборот тизими;

**норуда фойдали қазилмалар** — таркибида металл бўлмаган табиий ҳолича, тозалаб ёки қайта ишлаб олинадиган фойдали қазилмалар (норуда фойдали қазилмаларга — кимё, цемент, ойна, оловбардош ва чинни буюмлар сановатида фойдаланиш учун яроқли бўлган хом ашё, кварцитлар, кварцдала шпати жинслари, мрамор, гранит, сиенитлар, диоритлар, габбро, андезитлар, диабазлар, базальт, вулқон туфлари, шлаклар, шағал, қум-шағал аралашмаси, қум ва қумтош, гил ва гилли жинслар (суглинкалар, алевролитлар, бентонитлар, аргиллитлар), тош тузи, гипс, мергель, оҳактошлар, шу жумладан чиганоқлар, бўрли жинслар, доломитлар, кремнийли жинслар, табиий бўёқлар киради);

**норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкалари** — таркибида норуда фойдали қазилмалар мавжуд бўлган ва аниқ геометрланган чегараларга эга ер қаъри майдони;

**оператор** — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси.

3. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи рухсатнома асосида:

геологик ўрганиш;

казиб олиш;

техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун берилади.

4. Рухсатномалар Давлат геология қўмитаси томонидан мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган ер ости бойликларидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун алоҳида-алоҳида берилади.

## **2-боб. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар**

### **1-§. Геологик ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар**

5. Геологик ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома тадбиркорлик таваккалчилиги асосида (ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан) норуда фойдали қазилмалар конларини излаш, баҳолаш ва қидиришга оид ҳуқуқни тасдиқлайди.

Минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига геологик ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи юзага келишига белгиланган тартибда тасдиқланган ер қаърини геологик ўрганишга доир лойиҳа-смета ҳужжатлари асос ҳисобланади.

Норуда фойдали қазилмаларни геологик ўрганиш босқичида лойиҳа-смета ҳужжатларида асосланган ҳамда норуда фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблаб чиқиш ва уларнинг сифатини баҳолаш учун етарли ҳажмларда тажриба (синов) ва тажриба-саноат йўсинида казиб олиш ишларини ўтказиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатнома олиш талаб қилинмайди.

Дарё ўзанларини тозалаш жараёнида қум-шағал материалларини казиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома олиш талаб қилинмайди.

Дарёлар ўзанларида қум-шағал материалларини казиб олиш фақат уларни тозалаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хузуридаги «Хавфсиз дарё» давлат унитар корхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги 981-сон қарори билан тасдиқланган Дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектларини электрон онлайн-аукцион орқали

жалб қилиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида жалб этилган тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

## **2-§. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатнома**

6. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатнома, унинг эгасига конни қазиб олиш, қазиб олинаётган минерал хом ашёни қайта ишлаш, шу жумладан агар рухсатнома шартларида бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, қазиб олиш жараёнида олинган минерал ҳосилалардан фойдаланиш (қайта ишлаш) ҳуқуқини беради.

Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатнома норуда фойдали қазилмаларнинг захиралари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган кон бўйича уларни қазиб олиш учун берилади.

7. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатномани коннинг алоҳида участкасидаги норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун берилишига рухсат этилади, агар ушбу ҳолат конни қазиб олишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ёмонлаштирмаса ва коннинг қолган қисмлари (участкалари)ни ўзлаштиришга тўсқинлик қилмаса.

8. Битта конни бир неча ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатномалар берилишига йўл қўйилади. Бунда конни қазиб олиш Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси) билан келишилган, ер қаъридан оқилона фойдаланишни ва атроф муҳитнинг муҳофаза қилинишини таъминловчи қазиб олиш тизимида амалга оширилиши керак.

9. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун бир неча рухсатномаларнинг бир вақтнинг ўзида битта ер қаъридан фойдаланувчига берилишига йўл қўйилади, шу жумладан ўзаро яқин жойлашган норуда фойдали қазилмалар конларини қазиб олиш учун, агар бажарилган техник-иқтисодий ҳисоб-китобларга кўра уларни фақат биргаликда бир ер қаъридан фойдаланувчи томонидан қазиб олиш рентабелли бўлса.

10. Бир вақтнинг ўзида норуда фойдали қазилмаларнинг турли конларини, айрим турдаги қурилиш ва бошқа материаллар ва буюмларни ишлаб чиқариш учун зарур компонент сифатидаги минерал хом ашё қазиб олишга оид ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун бир неча рухсатномалар битта ер қаъридан фойдаланувчига берилиши мумкин.

11. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома эгаси, унга берилган

кон ажратиш далолатномаси доирасида қўшимча рухсатномасиз ер қаъри-ни геологик ўрганишга доир ишларни, уларни Давлат геология қўмитасининг Давлат геология фондида ҳисобига қўйиш шарти билан олиб бориш ҳуқуқига эга.

### **3-§. Техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатнома**

12. Техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатнома, ўз эгасининг кон қазиб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарининг таркибида норуда фойдали компонентлари мавжуд чиқиндиларини қайта ишлаш ишларини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш жараёнида олинган техноген минерал ҳосилаларга эгалик ҳуқуқи норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатномага мувофиқ рухсатнома эгасида ер қаъри участкасидан фойдаланиш муддати мобайнида сақлаб қолинади. Бундай ҳолда техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш (қайта ишлаш)га рухсатнома олиш талаб қилинмайди.

13. Техноген минерал ҳосилалардан фойдаланишга оид ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома, ер қаъридан фойдаланувчи балансида ҳисобда турмайдиган ёки техноген минерал ҳосилалар сотилган ёки белгиланган тартибда бошқа ер қаъридан фойдаланувчига топширилган ҳолда, кон қазиб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарининг чиқиндиларини қайта ишлаш учун берилади.

### **3-боб. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари**

14. Ер қаъридан фойдаланиш рухсатномада назарда тутилган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларига мувофиқ амалга оширилади.

15. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг асосий шартларига ер қаъридан фойдаланиш турларидан келиб чиққан ҳолда «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан белгиланган шартлар киради.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг намунавий шартлари Давлат геология қўмитаси ва уни ҳудудий бўлинмаларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади, шунингдек зарурат бўлганда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши мумкин.

16. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларида геологик ўрганиш учун қуйидагилар назарда тутилади:

ер қаърини геологик ўрганиш бўйича йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни ишлаб чиқиш ва Давлат геология қўмитасига топшириш муддати;

атроф муҳитга таъсир кўрсатиши тўғрисида ариза лойиҳасига Давлат экология қўмитаси томонидан бериладиган ижобий давлат экологик экспертиза хулосани Давлат геология қўмитасига топшириш муддати;

Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясига тўқсон кун мобайнида ер қаъридан фойдаланиш бўйича лойиҳаларини тақдим этиш мажбурияти;

кон иншоотлари ва қудуқларни аҳоли ҳаёти ва саломатлиги, атроф муҳит хавфсизлигини таъминлайдиган ҳолатга келтириш (рекультивация қилиш), шунингдек фойдаланишга яроқсиз кон иншоотлари ва қудуқларни тугатиш тартиби;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ тўловлар, шу жумладан йиллик лицензия тўлови тўғрисидаги мажбуриятлар;

норуда фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш учун материалларни Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича Давлат комиссиясига топшириш тартиби ва муддатлари;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланиши, тўхта-тиб қўйилиши ёки муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин бўлган шартлар.

17. Ер қаъри участкаларидан норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш шартларида қўйидагилар назарда тутилади:

фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ва Давлат геология қўмитасига топшириш муддати;

атроф муҳитга таъсир кўрсатиши тўғрисида ариза лойиҳасига Давлат экология қўмитаси томонидан бериладиган ижобий давлат экологик экспертиза хулосани Давлат геология қўмитасига топшириш муддати;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун йиллик энг кам харажатлар бўйича мажбуриятлар миқдори, шу жумладан Давлат геология қўмитасига ер қаъри участкасидан фойдаланиш учун техник-иқтисодий асосларни тақдим этган кундан бошлаб икки йил мобайнида бажариладиган минимал инвестиция мажбуриятлари;

техник лойиҳалар ва кон ишларини ривожлантириш режаларини, захираларни қазиб олиш ва кон майдони (участкалар)да қулайликлар яратиш лойиҳаларини тузиш тартиби ва муддатлари;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳажми;

қазиб олинган фойдали қазилмага эгалик қилиш ҳуқуқи;

ер қаъридан фойдаланганлик учун тўловларни тўлаш шартлари;

зарур малакали мутахассисларга эга бўлиш;

ер қаъридан фойдаланувчининг ижтимоий мажбуриятлари (махаллий аҳоли учун иш жойларини ташкил қилиш, керакли малакали мутахассисларни жалб қилиш ва ходимларни касбга тайёрлаш);

техник ва технологик имкониятлар, шунингдек, белгиланган тартибда шартнома асосида жалб қилинадиган техника ва асбоб-ускуналар мавжудлиги;

бир йил ичида ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг бошланиш муддатлари;

янги иш ўринларини яратиш мажбуриятлари;

техноген минерал ҳосилаларни сақлаш ва қайта ишлаш шартлари;

ер қаъридан фойдаланувчининг инвестиция мажбуриятлари;

ер қаъридан фойдаланиш соҳасида, хавфли ишлар, ишлаб чиқариш, хавфли товарлар ва моддалар айланмаси, портловчи моддаларга Ўзбекистон Республикаси саноат хавфсизлиги давлат қўмитасида рухсат бериш жараёнларидан ўтиш тартиби;

рухсатноманинг эгаси ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини (тўлиқ ёки қисман) бошқа шахсга бериши мумкин бўлган шартлар;

ер қаъридан фойдаланувчининг ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф қилиш бўйича кафолатларни тақдим этиш ва янгилаб бориш шартлари;

ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг чекланиши, тўхтатиб қўйилиши ёки муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин бўлган шартлар.

18. Техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларида қуйидагилар назарда тутилади:

техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш бўйича техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ва Давлат геология қўмитасига топшириш муддати;

атроф муҳитга таъсир кўрсатиши тўғрисида ариза лойиҳасига Давлат экология қўмитаси томонидан бериладиган ижобий давлат экологик экспертиза хулосани Давлат геология қўмитасига топшириш муддати;

техник лойиҳалар ва кон ишларини ривожлантириш режаларини, техноген минерал ҳосилалар (конлар) захираларини қазиб олиш ва кон майдони (участкалар)да қулайликлар яратиш лойиҳаларини тузиш тартиби ва муддатлари;

қазиб олинган фойдали қазилмага эгалик қилиш ҳуқуқи;

зарур малакали мутахассисларга эга бўлиш;

ер қаъридан фойдаланувчининг ижтимоий мажбуриятлари (маҳаллий аҳоли учун иш жойларини ташкил қилиш, ходимларни касб бўйича тайёрлаш ва зарур малакали мутахассисларни жалб қилиш);

техноген минерал ҳосилаларни сақлаш ва қайта ишлаш шартлари;

ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг чекланиши, тўхтатиб қўйилиши ёки муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин бўлган шарт-шароитлар.

19. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган ҳолларда Давлат геология қўмитаси норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъридан фойдаланиш шартларига ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Шунингдек, ер қаъридан фойдаланиш шартларида ер участкасининг ижара шартномаси, хусусан, ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ундан фойдаланиш муддатлари ва шартлари ҳамда ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун олиб қўйилаётган (сотиб олинаётган) ер участкаси бўйича — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ушбу ер

участкасининг эгаси, фойдаланувчиси, ижарачиси ёки мулкдори билан келишилган компенсация миқдори ва уни тўлаш муддати назарда тутилади.

Ер қаъридан фойдаланиш шартлари, шу жумладан ер участкасининг ижара шартномаси ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Геологик ўрганиш учун ер қаъридан фойдаланганлик учун йиллик лицензия тўлови миқдори геологик ўрганиладиган ер қаърининг бир гектари учун қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш фоизини ташкил этади ҳамда қуйидагиларга:

70 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

15 фоизи — вилоят маҳаллий бюджетига;

15 фоизи — туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига йўналтирилади.

20. Минерал хом ашё ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари конъюнктурасининг ўзгариши, яъни норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли, шунингдек рухсатнома берилган вақтдагига нисбатан кескин фарқ қилувчи вазият юзага келган ҳолларда ер қаъридан фойдаланувчи сўровига мувофиқ ҳам ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Рухсатнома эгаси норуда фойдали қазилмаларни қазиб олишни вақтинча тўхтатиши, бу ҳақда олтмиш кун олдин Давлат геология қўмитасига «Лицензия» ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали маълум қилган ҳолда, белгиланган тартибда кон иншоотларини ва ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ инфратузилма объектларини консервация қилиши мумкин. Консервация қилиш муддати рухсатноманинг умумий амал қилиш муддатига киради.

Бундай ҳолларда рухсатномаларни қайта расмийлаштириш ушбу Низомнинг 11-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **4-боб. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъридан фойдаланиш муддатлари**

21. Геологик ўрганиш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкалари қуйидагилар учун белгиланган муддатларга берилади:

а) геологик жиҳатдан ўрганиш учун — беш йилгача муддатга;

б) фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун:

дастлаб рухсатнома берилганда — беш йил муддатга, кейинчалик, техник-иқтисодий асослар белгиланган муддатларда тақдим этилгандан сўнг фойдали қазилма конини ёки техноген минерал ҳосилаларни ишга солиш даврини инобатга олган ҳолда, унинг муддатини узайтиришни кафолатлаш шarti билан;

техник-иқтисодий асослар тақдим этилгандан сўнг — фойдали қазилма конини ёки техноген минерал ҳосилаларни ишга солишнинг техник-иқти-

содий асосларда белгиланган муддатига, бироқ йигирма беш йилдан ошмайдиган муддатга берилади.

22. Ер қаъридан фойдаланиш муддатлари рухсатномада кўрсатилади ва у берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

23. Ер қаъридан фойдаланиш муддати тугагунга қадар камида олти ой олдин ер қаъридан фойдаланувчи томонидан Давлат геология қўмитасига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали йўлланган буюртма бўйича ер қаъридан фойдаланувчи томонидан рухсатномада белгиланган шартлар бажарилган тақдирда ва ер қаърини геологик ўрганишга доир ишларни яқунлаш, шунингдек фойдали қазилма конларини қазиб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш ёки фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича корхоналарни тугатиш ёки консервациялаш бўйича ишларни амалга ошириш зарур бўлган ҳолларда ер қаъридан фойдаланиш муддатлари узайтирилиши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланиш муддатларини узайтириш ёки уни рад этиш ушбу Низомнинг 11-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **5-боб. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатномалар беришнинг умумий шартлари**

24. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатномалар «E-auction» электрон савдо платформасида ўтказиладиган аукционлар яқунлари бўйича «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали ушбу Низомга 1-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ берилади, мазкур Низомнинг 25 ва 26-бандларида келтирилган ҳолатлар бундан мустасно.

25. Давлат геология қўмитасининг инвестиция лойиҳалари бўйича ҳамда Давлат геология қўмитаси, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан тузилган уч томонлама келишув асосида норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатномалар «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали «биринчи келган биринчи олади» тамойилига биноан аризаларни тўғридан-тўғри кўриб чиқиш натижасида берилиши мумкин.

Уч томонлама келишувлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари вақтидаги топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги бўйича хулосаларини инобатга олган ҳолда тузилади.

Бундай ҳолларда, аукционга қўйилган норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаси бўйича «биринчи келган биринчи олади» тамойилига биноан аризаларни тўғридан-тўғри кўриб чиқиш ташаббус қилинганда, у Давлат геология қўмитасининг қарорига асосан аукциондан чиқарилиши мумкин.

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Уч томонлама келишувлар лойиҳаларини тайёрлаш, келишиш ва жамлаш Давлат геология қўмитасига юклатилади.

26. Ер қаърини геологик ўрганишга оид ишларни молиялаштирган ер қаъридан фойдаланувчилар аниқланган кон бўйича фойдали қазилмалар захиралари белгиланган тартибда тасдиқланган санадан бошлаб бир йил мобайнида улар томонидан аниқланган конда норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқига рухсатномалар олиш учун мутлақ ҳуқуққа эга бўладилар.

Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатнома «биринчи келган биринчи олади» тамойилига биноан аризаларни тўғридан-тўғри кўриб чиқиш натижасида, аукцион ўтказилмасдан ер қаърини геологик ўрганишга доир (тўлиқ ёки қисман, норуда фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблаш ва тасдиқлаш билан боғлиқ) ишларни молиялаштирган шахснинг «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали берган буюртмаси бўйича берилади, буюртмага молиялаштириш манбаи кўрсатилган ҳолда конни қидириш бўйича ишларнинг молиялаштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

Ер қаърини геологик ўрганиш ишларини ўз маблағлари ҳисобидан олиб борган шахс у томонидан қидирилган конда норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқидан воз кечилган ҳолда кон мазкур низомда назарда тутилган тартибда савдо платформасида ўтказиладиган аукционлар орқали бошқа шахсга берилиши мумкин, бунда воз кечган шахсга у томонидан сарфланган харажатлар, шу жумладан ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа маълумотлар қиймати қопланади.

27. Ер қаърини геологик ўрганишга доир ишларни молиялаштирган ер қаъридан фойдаланувчида ушбу Низомнинг 26-бандида назарда тутилган мутлақ ҳуқуқ муддати тугагандан сўнг, тегишли кон бўйича фойдали қазилмалар захиралари Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалар захираларининг Давлат балансига қайтарилади ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи ушбу Низомда кўзда тутилган тартибда савдо платформасида ўтказиладиган аукционлар орқали реализация қилинади.

### **6-боб. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини «E-auction» электрон савдо платформаси орқали реализация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари**

28. «E-auction» электрон савдо платформасида аукцион орқали реализация қилинадиган норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкалари рўйхати Давлат геология қўмитаси томонидан нархи аниқланган ҳолда шакллантирилади ва ҳар йили бир мартадан кам бўлмаган ҳолда тасдиқланади.

Давлат геология қўмитасига аукционга қўйилмаган ёки рўйхатга киритилмаган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун талабгордан мурожаат келиб тушган тақдирда, ушбу ер қаъри участкасидан

фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома «E-auction» электрон савдо платформаси орқали ўрнатилган тартибда аукционга қўйилади.

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун талабгордан фақат геологик ўрганиш ишларини амалга ошириш учун ер қаъри участкалари бўйича мурожаат қабул қилинади. Ер қаъри участкаларидан самарали фойдаланиш мақсадида майдоннинг кенглигига (гектар) қараб, бир нечта ер қаъри участкаларига бўлиб қўйилиши мумкин.

Бунда, мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун бериладиган муддат инобатга олинади.

Давлат геология қўмитаси ер участкаси унга ажратиб берилгандан сўнг беш иш куни давомида мурожаат этилган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини аукцион савдоларига чиқариш муддатлари ёки ушбу ер участкаларини фойдаланишга беришни рад этиш тўғрисида жавоб хатини талабгорга тақдим этади.

29. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини савдога қўйишнинг бошланғич нархи:

геологик қидирув ишлари учун — базавий ҳисоблаш микдорининг ўттиз олти баравари микдорида;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун — базавий ҳисоблаш микдорининг етмиш икки баравари микдорида белгиланади.

«E-auction» электрон савдо платформасида реализация қилишдан олинган пул маблағлари, шу жумладан ушлаб қолинган закат суммаси аукционни ташкил қилиш хизматлари учун ер қаъри участкасининг сотилган нархидан бир фоизи оператор ҳисобварағига, қолган пул маблағлари Давлат геология қўмитасининг ҳисобварағига ҳамда ер қаъри участкаси жойлашган тегишли туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари ўртасида автоматик тарзда тенг улушларда тақсимланади.

Давлат геология қўмитасига ўтказиладиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг йиллик давлат дастурларини амалга оширишга, аукцион ва танлов савдоларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга, шунингдек қўмитанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ишчи-ходимларини рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилади.

30. Аукцион натижалари ҳақидаги баённома Давлат геология қўмитасига — аукцион ғолибига тегишли ер қаъри участкаси бўйича геологик ва бошқа маълумотлар тўпламини бериш ҳамда тегишли рухсатномани расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

Аукцион ғолибига сўралаётган ер қаъри участкаси бўйича геологик ва бошқа маълумотлар тўплами бепул тақдим этилади.

Геологик ва бошқа маълумотлар тўпламида ер қаъри участкаси майдонининг контури, кон-техник, технологик ва бошқа маълумотлар йириклаштирилган техник-иқтисодий асослаш ёки техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш учун етарли ҳажмда бўлиши керак.

31. Ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун белгиланган тартибда

олиб қўйилган (сотиб олинган) ер участкаси билан боғлиқ харажатлар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жам-фармага рухсатнома расмийлаштирилгунга қадар қоплаб берилиши лозим.

32. Аукцион қолиби — ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига онлайн-аукцион натижалари бўйича рухсатнома расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланувчи томонидан 4 ой ичида тегишли ер қаъри участкаси бўйича қуйидаги ҳужжатлар тўплами Давлат геология қўмитасига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали тақдим этилади:

йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар — рухсатнома ер қаъри участкасини геологик ўрганиш учун берилганда;

техник-иқтисодий асослар — рухсатнома норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун берилганда;

Давлат экология қўмитаси томонидан атроф муҳитга таъсир кўрсатиши тўғрисидаги ариза лойиҳасига берилган ижобий давлат экологик экспертиза хулосаси.

33. Давлат геология қўмитаси ўн иш кунда тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини ўрганиб чиқади ва ўрганиш натижаси бўйича «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали:

геологик жиҳатдан ўрганиш учун рухсатнома расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланувчига — ушбу ҳужжатлар асосида фаолиятни давом эттириш мумкинлиги ва ҳужжатлар тўплами қабул қилингани тўғрисида маълумотни;

фойдали қазилмаларни қавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун рухсатнома расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланувчига — техник-иқтисодий асосларда кўрсатилган фойдали қазилма конини ёки техноген минерал ҳосилаларни ишга солиш даврини инobatга олган ҳолда белгиланган ер қаъридан фойдаланиш муддати тўғрисида маълумотни ҳамда янгиланган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларининг, шу жумладан ижара шартномасининг лойиҳасини юборди.

Тақдим этилган ҳужжатлар бўйича камчиликлар аниқланган ҳолларда тегишли ер қаъридан фойдаланувчилар ўн иш кунда камчиликларни бартараф этишлари ва Давлат геология қўмитасига бу ҳақда «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали маълумот тақдим этишлари лозим. Бунда, қайта тақдим этилган ҳужжатлар камчиликлар бартараф этилган ва маълумот тақдим қилинган кундан бошлаб беш иш кунни мобайнида қайта кўриб чиқилади.

Камчиликларни кўрсатилган муддатда бартараф этмаслик ва Давлат геология қўмитасига маълумот тақдим этмаслик расмийлаштирилган рухсатнома ва ер қаъри участкасини ажратиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Рухсатнома расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланувчи томонидан 4 ой ичида ушбу Низомнинг 32-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўплами

Давлат геология қўмитасига топширилмаган тақдирда, расмийлаштирилган рухсатнома ушбу Низомнинг 57-бандига мувофиқ муддатидан олдин бекор қилинади.

34. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун рухсатнома расмийлаштирилган ер қаъридан фойдаланувчи уч иш куни муддатда ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳасини электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ва «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали Давлат геология қўмитасига юборади.

Давлат геология қўмитаси ер қаъридан фойдаланувчидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари тақдим этилгандан сўнг бир иш куни муддатда ер қаъридан фойдаланиш учун рухсатнома қайта расмийлаштирилгани тўғрисида тегишли реестрга ўзгартиришлар киритади ва QR-код (матрик штрихли код) қўйилган янги рухсатномани расмийлаштиради.

**7-боб. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномаларни «биринчи келган биринчи олади» тамойилига биноан аризаларни тўғридан-тўғри кўриб чиқиш натижалари бўйича бериш тартиби**

35. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига «биринчи келган биринчи олади» тамойилига биноан аризаларни тўғридан-тўғри кўриб чиқиш натижалари асосида рухсатнома олиш учун ариза берувчиларга сўралаётган ер қаъри участкаси бўйича геологик ва бошқа маълумотлар тўплами Давлат геология қўмитаси томонидан тақдим этилади.

Геологик ва бошқа маълумотлар тўплами сўралаётган ер қаъри участкасининг ариза берувчи билан келишилган чегараларини, у бўйича йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни ёки техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш учун етарли бўладиган ҳажмдаги кон-техник, технологик ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган бўлиши зарур.

36. Ариза берувчилар норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатнома олиш учун «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали мазкур Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ буюртма беради ва уни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномаларни «биринчи келган биринчи олади» тамойилига биноан аризаларни тўғридан-тўғри кўриб чиқиш натижасида бериш мазкур Низомнинг 3-иловасида\* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Давлат геология қўмитаси зарур ҳужжатларни ва бошқа ваколатли

---

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

органлардаги мавжуд ахборотларни белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиш орқали, шу жумладан, электрон шаклда мустақил равишда олади, мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно.

37. Буюртмани кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баробари миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ундирилган йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) «Лицензия» ахборот тизими орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига ўтказилади;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

38. Мазкур Низомнинг 37-бандида келтирилган ҳужжатлар тўплами ариза берувчи томонидан тўлиқ тақдим этилмаган ҳолда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш учун буюртмаларни қабул қилиш рад этилиши мумкин.

Буюртмани бошқа сабаблар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди.

39. Давлат геология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ўн кунлик муддатда:

жойлардаги маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан биргаликда сўралаётган ер қаъри участкасини, ундан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш учун текшириб чиқадилар;

глобал позицион тизим асбобларини қўллаб бурчак координатларини аниқлаган ҳолда ер қаъри участкасининг жойлашиш ўрнини аниқлаштирадилар;

норуда фойдали қазилмалар рухсатсиз қазиб олинганлик изларининг мавжуд бўлиши мумкинлигини аниқлаштирадилар;

ариза берувчининг тақдим этилган ҳужжатларидаги техник ва техно-

логик имкониятларини мувофиқлигини ҳамда зарур малакали мутахассисларга эга бўлишини ўргандилар.

Олиб борилган ишлар натижалари бўйича Давлат геология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари тегишли маълумотларни тайёрлайди ва Давлат геология қўмитасига юбордилар.

40. Норуда фойдали қазилмаларни рухсатсиз қазиб олиш ҳоллари аниқланганда, Давлат геология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари уларни олдини олиш ва айбдор шахсларни Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиш бўйича тегишли чораларни кўрадилар.

41. Давлат геология қўмитаси беш иш куни муддатда буюртмани ва Давлат геология қўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг тегишли маълумотларини ўрганиб чиқади ҳамда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатнома бериш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

42. Давлат геология қўмитаси норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатнома бериш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари имзоланган муддатни кўрсатган ҳолда ариза берувчига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали маълум қилади.

43. Ариза берувчи уч иш куни муддатда ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини электрон рақамли имзоси билан имзолайди.

Агар ариза берувчи ўттиз кун ичида ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини имзоламаса, Давлат геология қўмитаси норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатнома беришни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

44. Давлат геология қўмитаси ариза берувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини имзолаган кундан бошлаб бир иш куни муддатда QR-код (матрикс штрихли код) қўйилган рухсатномани расмийлаштиради.

Йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоботлар ва (ёки) техник-иқтисодий асослар тегишли ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларига киритилиши шарт.

45. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатномаларни бериш қуйидаги ҳолларда рад қилиниши мумкин, агар:

ариза берувчи ўзи ҳақида ёлгон ёки нотўғри маълумотлар берса;

ариза берувчи ишларни самарали бажариш учун малакали мутахассислар, зарур молия ва техник воситаларнинг мавжудлигини тасдиқловчи маълумотларни тақдим этмаса;

геологик ва бошқа маълумотларни олмасдан туриб техник ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлса;

сўралаётган ер қаъри участкасининг чегаралари геологик ва бошқа маълумотлар тўпламида кўрсатилган чегараларга мос келмаса;

ер қаъри участкаларидан фойдаланишга доир иш олиб бориш услубиёти

геология-қидирув ишларини олиб бориш ёки ер қаъри участкаларини оқилона ўзлаштиришнинг белгиланган талабларига мос келмаса;

қазиб олинаётган хом ашё таннархи нотўғри ҳисобланган бўлса.

Бошқа сабаблар бўйича норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатномалар беришнинг рад қилинишига йўл қўйилмайди.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатномалар беришнинг рад қилинишига рози бўлмаслик ҳолатида, ариза берувчилар рад этилиши юзасидан қонун билан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгалар.

46. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатномалар беришнинг рад қилиниши ҳақида қарор қабул қилинганда, Давлат геология қўмитаси бир иш куни муддатда ариза берувчига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали рад этилиш сабаблари ҳамда ариза берувчи томонидан кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиш ва қайта кўриб чиқиш учун ҳужжатларни топшириши мумкин бўлган муддатлар кўрсатилган хабарномани йўллайди.

47. Ариза берувчи томонидан норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар беришнинг рад қилиниш сабаблари белгиланган муддатларда бартараф этилганда, рад қилиниш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги маълумот олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан ошмаган муддатда ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ишлари амалга оширилади.

Ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

### **8-боб. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш, давлат рўйхатидан ўтиш, давлат ҳисобига олиш ва расмийлаштириш тартиби**

48. Рухсатнома мазкур Низомнинг 4-иловасида\* келтирилган шаклда QR-код (матрик штрихли код) қўйиб расмийлаштирилади.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун рухсатнома паспорти 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

49. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатномаларга мувофиқ Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси томонидан берилган кон ажратиш далолатномалари норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва техноген ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъридан фойдаланувчига зарур ер участкасининг ажратилишига асос ҳисобланади.

Норуда фойдали қазилмалари ер участкаларининг чегараларини жойида белгилаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда Давлат геология қўмитаси ҳузурида-

---

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг хуудлардаги бўлинмалари томонидан бир вақтнинг ўзида ер қаъридан фойдаланувчи иштирокида амалга оширилади.

50. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш уни давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатига олиш Давлат геология қўмитаси томонидан амалга оширилади.

51. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатига олиш реестрга тегишли қайдларни киритиш йўли билан амалга оширилади.

52. Ҳар бир реестрда қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:  
ер қаъридан фойдаланувчи тўғрисидаги асосий маълумотлар (номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, солиқ тўловчининг идентификация рақами, жойлашган ери (почта манзили), телефон ва факс рақамлари);  
фойдаланишга берилган ер қаъри участкаси номи;  
ер қаъри участкасидан фойдаланиш тури ва мақсади;  
ер қаъридан фойдаланиш ва рухсатноманинг амал қилиш муддати;  
рухсатномани қайта расмийлаштиришга асос ва унинг санаси;  
ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиш ёки тугатиш асоси ва санаси.

53. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатнома реестрига киритилган маълумотлар, очиқ бўлган маълумотлар базаси ҳисобланиб, мазкур реестр билан юридик ва жисмоний шахслар танишиб чиқиши мумкин.

54. Фойдаланишга берилган тегишли ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи давлат ҳисобига олиниши шарт.

55. Фойдаланишга берилган норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларини давлат ҳисобига олиш Давлат геология қўмитасининг Давлат геология фонди томонидан, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказилишига оид материаллар олинган кундан бошлаб ўн иш куни муддатда амалга оширилади.

**9-боб. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш**

56. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳолларда чекланиши, тўхтатиб қўйилиши ёки муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

57. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки муддатидан олдин тўхтатиш Давлат геология қўмитаси томонидан судга берилган аризалари асосида суд тартибида амалга оширилади.



58. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланиши юзага келган хавф-хатарларни олдини олиш ёки ер қаъридан фойдаланишда йўл қўйилган талаблар ва шартлар, ишларни олиб бориш меъёрлари ва қоидалари бартараф этилгунча бутун участкада ёки унинг бир қисмида ишларнинг маълум турларини 3 ойдан ошмаган муддатга чекланишига олиб келади.

59. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг тўхтатилиши ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча турдаги ишларни тўхтатиб қўйилиш сабаблари бартараф этилгунга қадар олти ойдан ошмайдиган муддатга амалга ошириш тақиқланишига олиб келади, бунда тоғ-кон иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш, қурилишларни, иншоотлар ва ускуналарни одамлар ва атроф муҳит учун хавфсиз сақлаб туришга оид ишлар бундан мустасно.

60. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи қўйидаги ҳолатларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

ер қаъридан фойдаланувчи бир йил ичида ер қаъри участкасидан фойдаланишни бошламаган;

ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг асосий шартларининг бузилиши, (экология талабларига риоя қилиш, режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмини таъминлаш, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш);

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг таъсир зонасида аҳоли ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга хавф-хатарнинг мавжудлиги;

ер қаъридан фойдаланиш учун тўловларни мунтазам тўламаслик;

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган қоидаларига риоя қилмаслик;

агар йўл қўйилган қоидабузарликлар тизимли тавсифга эга бўлса ёки ушбу ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига илгари чеклов ва (ёки) тўхтатилиш қўлланган бўлса.

Ер қаъридан фойдаланувчиларга берилган рухсатномаларнинг амал қилиш муддати тугаганда ёки муддатидан олдин бекор қилинганда Давлат геология қўмитаси бу ҳақда уч иш куни муддатда Давлат солиқ қўмитаси, Давлат экология қўмитаси ҳамда тегишли маҳаллий ижро ҳокимияти органларини ёзма хабардор қилади.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатноманинг амал қилиш муддати тугаганда ёки муддатидан олдин бекор қилинганда тегишли ер майдонлари Давлат геология қўмитаси томонидан захирага қайтарилади.

Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажмлари ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан узлуксиз икки йил давомида бажарилмаган тақдирда (форс-мажор ҳолатларидан ташқари) ҳақиқатда қазиб олинган ҳажмдан келиб чиқиб ўртача статистик миқдор ҳисобланади ва бу орқали йиллик қазиб олиш ҳажми аниқланади.

Рухсатноманинг амал қилиш муддати якунига қадар, йиллик қазиб олиш ҳажмидан келиб чиқиб, ер қаъридан фойдаланувчининг балансида қоладиган ва давлат балансига қайтариладиган захира миқдори аниқланади ҳамда ўзлаштирилмай қоладиган қисми давлат балансига ва улар жойлашган ер участкалари захирага қайтарилади.

Бунда, илгари берилган рухсатнома қайта расмийлаштирилмасдан ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларига тегишли ўзгартиришлар киритилади. Агар ушбу жараён рухсатноманинг муддати билан боғлиқ бўлса, рухсатнома қайта расмийлаштирилади.

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тугаганда фойдаланувчи, ер қаъридан фойдаланиш чоғида бузилган ер участкаларини ва бошқа табиий объектларни кейинчалик улардан фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш, шунингдек ушбу ер қаъри участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тоғ иншоотлари ва инфратузилма объектларини консервация қилиш ёки тугатиш ишларини бажаришга киришиши шарт.

61. Ер қаъридан фойдаланувчи фаолиятининг тугатилиши ёки бекор қилиниши муносабати билан норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинганда Давлат геология қўмитаси томонидан Давлат экология қўмитаси ва бошқа манфаатдор органлар вакиллари иштирокида ташкил этилган махсус комиссия томонидан тоғ иншоотлари ва инфратузилма объектларини консервация қилиш ёки тугатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қарор қабул қилиниши шарт. Бундай ҳолатларда ер қаъри участкалари Давлат геология қўмитаси балансига ўтказилади.

**10-боб. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқидан ўзга шахс фойдасига воз кечиш**

62. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун рухсатнома эгаси Давлат геология қўмитаси билан келишган ҳолда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини (тўлиқ ёки қисман) бошқа юридик шахсга бериши мумкин, агар ушбу юридик шахс рухсатнома билан белгиланган шартларни бажаришга доир мажбуриятларни ўз зиммасига олса.

Шу билан бирга, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини олган юридик шахс, рухсатноманинг олдинги эгасига нисбатан қўйилган талабларга мос келиши зарур.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномаларни улар берилган санадан бошлаб икки йил мобайнида рухсатномалар расмийлаштирилган ер қаъри фойдаланувчиларидан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш, шу жумладан ер қаъри фойдаланувчиларининг таъсисчилари (операцион фаолиятини бошқариш овозига эга мажоритар акциядорлари)ни тўлиқ ўзгартириш тақиқланади.

63. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини (тўлиқ ёки қисман) бошқа юридик шахсга беришни келишиш рухсатнома эгасининг Давлат геология қўмитасига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали мазкур Низомнинг 6-илловасига\* мувофиқ бериладиган аризаси бўйича амалга оширилади.

Аризада норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқага берилиш сабаблари, ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи қисман берилганда талабгор томонидан фойдали қазилмаларни ёки техноген минерал ҳосилаларни қазиб олиш, қайта ишлаш билан боғлиқ назарда тутилган фаолият тури келтирилади. Аризага ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ўтаётган юридик шахснинг рухсатнома эгасига нисбатан қўйилган талабларга мос келишини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

64. Давлат геология қўмитаси ўн беш кун ичида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа юридик шахсга (тўлиқ ёки қисман) берилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тегишли қарор қабул қилади.

Қарор ариза берувчига қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали юборилади. Келишиб олишнинг рад этилиши асосланган бўлиши керак.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа юридик шахсга беришнинг Давлат геология қўмитаси билан келишиб олинганлиги томонларнинг ҳуқуқини бошқа юридик шахсга бериш тўғрисидаги тегишли шартномани тузиш ва норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи (тўлиқ ёки қисман) берилётган юридик шахсга Давлат геология қўмитаси томонидан рухсатнома берилиши учун асос ҳисобланади.

### **11-боб. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатномани қайта расмийлаштириш**

65. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатномани қайта расмийлаштириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- юридик шахс қайта ташкил қилинганда ва номи ўзгарганда;
- ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсга берилганда;
- ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари ўзгарганда;
- ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддати узайтирилганда.

66. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатномани қайта расмийлаштириш Давлат геология қўмитаси томонидан рухсатнома эгасининг «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали мазкур Низомнинг 7-илловасига\* мувофиқ берган аризаси асосида амалга оширилади.

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Юридик шахсни қайта ташкил қилиш ёки қайта тузилишида ариза рухсатнома эгаси томонидан қайта рўйхатдан ўтказилгандан сўнг етти кун муддатда берилиши лозим.

Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризага тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

67. Рухсатномани қайта расмийлаштириш қўйидаги муддатларда амалга оширилади:

ариза келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда — юридик шахс қайта ташкил қилинганда ва номи ўзгарганда, ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсга берилганда, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари ўзгарганда;

ариза келиб тушган кундан бошлаб йигирма иш кунидан кўп бўлмаган муддатда — ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддатини узайтиришда.

68. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсга берилганда Давлат геология қўмитаси томонидан бир иш куни муддатда ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳаси имзолаш учун ариза берувчига тақдим этилади. Ариза берувчи уч иш куни муддатда ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳасини электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

69. Давлат геология қўмитаси томонидан рухсатнома қайта расмийлаштирилганда бир иш куни муддатда тегишли реестрга ўзгартиришлар киритилади ва QR-код (матрик штрихли код) қўйилган рухсатномани расмийлаштиради.

70. Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатномани қайта расмийлаштиришда, рухсатнома олишга доир буюртмани кўриб чиқиш учун тўланган сумманинг эллик фоизи миқдорда йиғим ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ундирилган йиғим суммаси қўйидаги тартибда тақсимланади:

а) «Лицензия» ахборот тизими орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идо-

ралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига ўтказилади;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

### **12-боб. Якунловчи қоидалар**

71. Ер қаърини геологик ўрганиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш юзасидан давлат назорати маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, шунингдек, Давлат геология қўмитаси ва Давлат экология қўмитаси томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

72. Ариза берувчилар, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига оид рухсатнома олиш учун улар томонидан тайёрланган, Давлат геология қўмитасига тақдим этилган ҳужжатлар ишончлилиги ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавобгардирлар.

73. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 25 мартдаги 133-сон қарорига  
З-ИЛОВА

## **Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом ер қаъри участкаларида юридик ва жисмоний шахслар томонидан қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**бузилган ерларни рекультивация қилиш (қайта тиклаш)** — ерларнинг табиий ландшафтини сақлаш мақсадида ер қаъридан фойдаланиш натижасида бузилган (ағдарилган, ковланган) ер участкаларини кейинчалик ундан фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ комплекс ишларни бажариш;

**«E-auction» электрон савдо платформаси** (кейинги ўринларда — савдо платформаси) — электрон онлайн-аукционларни (кейинги ўринларда — аукцион) ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни ки-

ритиш, сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг аукционлар жараёнларидан оператор веб-портали орқали бевосита фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган ахборот тизими;

**олтин изловчилар усулида қазиб олиш** — ер қаъри участкалари, шу жумладан, сочма олтин конларидан тадбиркорлик таваккалчилиги асосида қимматбаҳо металлларни носаноат усулда қазиб олиш;

**оператор** — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси;

**сочма олтин кони** — туб олтин кон ёки олтин маъданли тоғ жинси парчаланиши натижасида ҳосил бўлувчи ер юзасидаги ёки кўмилган тоғ жинси ва минераллари майда бўлакларининг тўпламлари;

**электрон онлайн-аукцион** — салоҳиятли харидорларга тенг имконият яратган ҳолда мол-мулк ва ҳуқуқ Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги «E-auction» электрон савдо платформасида сотиладиган аукцион шаклидаги электрон савдо усули;

**қимматбаҳо металлларни сотиб олувчи ихтисослаштирилган қабул кассалари** (кейинги ўринларда — қабул кассалари) — қимматбаҳо металлларни қайта ишлаш ташкилоти ҳамда шартнома асосида юридик ва жисмоний шахслардан таркибида олтин бўлган хом ашёни қабул қилувчи пункт.

3. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун берилётган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат геология қўмитаси) томонидан электрон онлайн-аукцион натижаларига асосан ушбу Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ схема бўйича берилади.

## **2-боб. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар**

4. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома (кейинги ўринларда — рухсатнома) унинг эгасига белгиланган ҳудудда қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш ҳуқуқини беради.

5. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома Давлат геология қўмитаси томонидан ҳар йили тасдиқланган қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкалари (кейинги ўринларда — ер қаъри участкалари) бўйича уларни қазиб олиш учун берилади.

Тасдиқланган рўйхатга кирмаган ер қаъри участкалари бўйича талаб-

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

горлар томонидан ариза келиб тушган ҳолларда Давлат геология қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралари билан биргаликда бир ойлик муддатда ўрганиб чиқиб, аукционда реализация қилинадиган ер қаъри участкалари рўйхатига киритиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ишончли, аниқ контурлари ва чегаралари кўрсатилган ер қаъри участкалари ва майдонлари, шу жумладан, ўлчамлари 5 гектаргача бўлган сочма олтин конлари берилади.

6. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномаларга фақат Ўзбекистон Республикаси резидентлари, хусусан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга жисмоний шахслар ҳамда устав капитали (жамғармаси)да Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган жисмоний шахснинг улуши 70 ва ундан ортиқ фоизга эга бўлган юридик шахслар талабгор бўлиши мумкин.

Бунда битта талабгорга рухсатнома асосида берилган ер қаъри участкаларининг умумий майдони йил давомида 20 гектардан ошмаслиги лозим.

7. Рухсатномани ёки ер қаъри участкасидан (тўлиқ ёки қисман) фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсга бериш (топшириш), шунингдек, битта ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатномани бир неча шахсга беришга йўл қўйилмайди.

### **3-боб. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари**

8. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш рухсатномада назарда тутилган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларига мувофиқ амалга оширилади.

9. Ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг асосий шартларига Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланган шартлар киради.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг намунавий шартлари Давлат геология қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва зарурат бўлганда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

10. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларида:

қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишнинг рухсат этилган усуллари ва воситалари, шунингдек, фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, механизмлар ва техникага қўйиладиган талаблар;

қазиб олинган қимматбаҳо металлларга эгалик қилиш ҳуқуқи;

ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг чекланиши, тўхтатиб қўйилиши ёки муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин бўлган шартлар;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилгандан сўнг ер қаъридан фойдаланувчилар зиммасига ер қаъри участкаларини рекультивация қилиш ва уларни кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш мажбурияти назарда тутилади.

Шунингдек, ер қаъридан фойдаланиш шартларида ер участкасининг ижара шартномаси, хусусан, ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ундан фойдаланиш муддатлари ва шартлари ҳамда ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун олиб қўйилаётган (сотиб олинаётган) ер участкаси бўйича — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ушбу ер участкасининг эгаси, фойдаланувчиси, ижарачиси ёки мулкдори билан келишилган компенсация миқдори ва уни тўлаш муддати назарда тутилади.

Ер қаъридан фойдаланиш шартлари, шу жумладан ер участкасининг ижара шартномаси ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

#### **4-боб. Қимматбаҳо металлarnи олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддатлари**

11. Рухсатномалар Давлат геология қўмитаси томонидан «E-auksion» электрон савдо платформасидаги аукцион яқунлари бўйича 3 йил муддатга берилади.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи рухсатнома берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

12. Рухсатнома муддати тугагандан сўнг уч ойдан ошмаган муддатда ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ер қаъри участкалари белгиланган тартибда рекультивация қилиниб, улар кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилган ҳолда тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига топширилади.

#### **5-боб. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини «E-auksion» электрон савдо платформаси орқали реализация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари**

13. «E-auksion» электрон савдо платформасида аукцион орқали реализация қилинадиган ер қаъри участкалари рўйхати Давлат геология қўмитаси томонидан нархи аниқланган ҳолда шакллантирилади ва ҳар йили бир мартадан кам бўлмаган ҳолда тасдиқланади.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини савдога қўйишнинг бошланғич нархи ҳар бир гектарига базавий ҳисоблаш миқдорининг 35 баравари миқдорида белгиланади. Бунда тўлиқ бўлмаган гектарлар учун бошланғич нарх 1 гектар ер учун белгиланган нархни ер майдонининг ўлчамига кўпайтириш орқали аниқланади.

Давлат геология қўмитасига аукционга қўйилмаган ёки рўйхатга киритилмаган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун талаб-



гордан мурожаат келиб тушган тақдирда, ушбу ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома «E-auction» электрон савдо платформаси орқали ўрнатилган тартибда аукционга кўйилади.

Давлат геология қўмитаси ер участкаси унга ажратиб берилгандан сўнг уч иш куни давомида мурожаат этилган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи аукцион савдоларига чиқариш муддатлари ёки ушбу ер участкаларини фойдаланишга беришни рад этиш тўғрисида жавоб хатини талабгорга тақдим этади.

14. Ер участкаларининг чегараларини жойида белгилаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг ҳудудлардаги бўлинмалари томонидан бир вақтнинг ўзида ер қаъридан фойдаланувчи иштирокида амалга оширилади.

15. Ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун белгиланган тартибда олиб қўйилган (сотиб олинган) ер участкаси билан боғлиқ харажатлар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамфармага рухсатнома расмийлаштирилгунга қадар қоплаб берилиши лозим.

**6-боб. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш, давлат рўйхатидан ўтиш, давлат ҳисобига олиш ва расмийлаштириш тартиби**

16. Рухсатнома мазкур Низомнинг 2-иловасида\* келтирилган шаклда QR-код (матрик штрихли код) қўйиб расмийлаштирилади.

Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома паспорти 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига берилган рухсатномаларни бошқа шахсларга берилишига йўл қўйилмайди.

17. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш у давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин амалга оширилади. Ер қаъри участкаларидан фойдаланишни Давлат рўйхатига олиш Давлат геология қўмитаси томонидан рухсатнома бериш жараёнида амалга оширилади.

18. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини Давлат рўйхатига олиш реестрга тегишли қайдларни киритиш йўли билан амалга оширилади.

19. Ҳар бир реестрда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:  
ер қаъридан фойдаланувчи тўғрисидаги асосий маълумотлар (номи,

---

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

юримдик шахсининг ташкилий-хукукий шакли, солиқ тўловчининг идентификация рақами, почта манзили, телефон ва факс рақамлари);

фойдаланишга берилган ер қаъри участкасининг номи (рақами);

ер қаъри участкасидан фойдаланиш мақсади;

рухсатнома берилган сана ва унинг рақами;

рухсатноманинг амал қилиш муддати;

рухсатномани қайта расмийлаштиришнинг асоси ва унинг санаси.

20. Реестрга киритилган маълумотлар давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тегишли сўровнома асосида берилиши мумкин, уларни бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бериш тақиқланади.

**7-боб. Қимматбаҳо металлари олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳукуқини берувчи рухсатномани қайта расмийлаштириш**

21. Рухсатномани қайта расмийлаштириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

юримдик шахс қайта ташкил қилинганда ва номи ўзгарганда;

жисмоний шахсининг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарганда.

Рухсатномани қайта расмийлаштириш Давлат геология қўмитаси томонидан рухсатнома эгасининг «Лицензия» ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали мазкур Низомнинг 4-илласига\* мувофиқ берган аризаси асосида тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда 2 кун муддатда амалга оширилади.

Давлат геология қўмитаси томонидан рухсатнома қайта расмийлаштирилганда икки кун муддатда тегишли реестрга ўзгартиришлар киритилади ва QR-код (матрикс штрихли код) қўйилган рухсатномани расмийлаштиради.

Рухсатномани қайта расмийлаштиришда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробари миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ундирилган йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) «Лицензия» ахборот тизими орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий фазна ҳисобварағига ўтказилади;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига ўтказилади;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

22. Ер қаъридан фойдаланиш муддати тугагунга қадар камида 6 ой олдин фойдаланувчи томонидан Давлат геология қўмитасига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали йўлланган ариза бўйича ер қаъридан фойдаланувчи томонидан рухсатномада белгиланган шартлар бажарилган тақдирда ва қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича қўшимча ишларни амалга ошириш зарур бўлган ҳолларда ер қаъридан фойдаланиш муддатлари бир марта 3 йилга узайтирилиши мумкин.

Ушбу ҳолатда, Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси томонидан 1 ой муддатда рухсатномада белгиланган шартларнинг бажарилиши ўрганилади ва Давлат геология қўмитасига тегишли хулосани киритади.

Хулоса ижобий бўлганда, Давлат геология қўмитаси томонидан 10 кун муддатда ер қаъридан фойдаланувчига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддатини узайтириш учун тўлов суммасини жўнатади.

Ер қаъридан фойдаланувчи рухсатномада кўрсатилган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддати тугашга 10 кун қолган муддатгача Давлат геология қўмитаси томонидан кўрсатилган даромад ғазна ҳисобварағига рухсатномани узайтириш учун тўлов суммасини тўлайди.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддатини узайтириш учун тўлов охириги 1 йил ичида аукцион орқали реализация қилинган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи қийматларининг ўртача арифметик миқдори га тенг бўлиб, Давлат геология қўмитаси томонидан баённомалар таҳлили асосида ҳисоблаб чиқилади.

Давлат геология қўмитаси томонидан тўлов суммаси даромад ғазна ҳисобварағига келиб тушганда қуйидагича тақсимланади:

даромад ғазна ҳисобварағига келиб тушган маблағлар Давлат геология қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармасига ҳамда ер қаъри участкаси жойлашган тегишли туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари ўртасида автоматик тарзда тенг улушларда тақсимланади.

Ер қаъридан фойдаланувчига рухсатнома «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали янги 3 йиллик муддатга қайта расмийлаштириб берилади.

23. Қуйидаги ҳолларда ер қаъридан фойдаланиш муддатларини узайтириш рад этилиши мумкин:

қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича қўшимча ишларни амалга ошириш зарурияти бўлмаса;

ер қаъридан фойдаланувчи томонидан рухсатномада белгиланган шартлар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган бўлса;

Давлат геология қўмитаси томонидан тақдим этилган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддатини узайтириш учун тўлов суммаси ўз вақтида тўланмаса.

Бошқа сабаблар билан ер қаъридан фойдаланиш муддатларини узайтиришнинг рад этилишига йўл қўйилмайди.

**8-боб. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш қоидалари ва нормалари, рухсат этилган усуллари ва воситалари, фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ва техникага қўйиладиган талаблар**

24. Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан рухсатнома берилган ер қаъри участкаларида қимматбаҳо металлларни қазиб олиш ишлари бошланишидан олдин маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясини ёзма равишда хабардор қилиниши шарт.

25. Рухсатнома билан берилган ер қаъри участкаларида қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишда:

ер қаърини муҳофаза қилиш, табиатни муҳофаза қилиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлиги бўйича қоидалар ва чора-тадбирларга амал қилиш зарур;

қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномага эга бўлган юридик шахслар ишчи-ходимларининг 70 фоизи Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши лозим;

сочма олтинга истиқболли ер қаъри участкалари ва конларида ер ости тоғ-кон қазилмалари йўлакларисиз ва портловчи моддалардан фойдаланмаган ҳолда зинасимон шаклда хавфсиз (йўл қўйиладиган) чуқурликкача (туб жинсларгача) фаолиятни амалга ошириш мумкин;

туб жинслар участкаларида тоғ-кон лаҳмлари тик томонларини 2 (икки) метрдан кўп бўлмаган чуқурликда ўтишга йўл қўйилади. Агар тоғ-кон лаҳмларини зинасимон шаклида ўтаётган бўлса, бу ҳолатда умумий чуқурлиги 6 (олти) метргача рухсат этилади. Бунда ҳар бир зинанинг баландлиги 2 (икки) метрдан ошмаслиги ва зинанинг эни 0,5 (ярим) метрдан кам бўлмаслиги зарур;

сувли ҳудудларда, шу жумладан, дарё қирғоқларида ва сойлар ўзанларида олтин қазиб олиш ҳудудида ковиш сифими (ҳажми) 2 кубгача бўлган экскаваторлар ёки унинг функциясини бажарадиган техникадан фойдаланиш мумкин.

Ҳисобот давридан кейинги йилнинг 15 февралига қадар қимматбаҳо металллар бўйича қуйидагиларни тақдим қилишлари зарур:

Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш бўйича ҳудудий инспекцияларга қимматбаҳо металллар захира-ларининг ҳаракатланиш ишлари тўғрисида йиллик ҳисобот (сочма олтин конлари бўйича);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (Қимматбаҳо металлларни сақлаш ва улар билан ишлаш хизмати)га қимматбаҳо металлларни топширилган миқдори тўғрисида ҳисобот.

26. Ер қаъридан фойдаланувчилар қазиб олинган тоғ жинсларидан қимматбаҳо металлларни ажратиб олишда фақат майдалаш ва гравитация усулини қўллаш, шунингдек, кичик ювиш ускуналари ва насослардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

27. Рухсатнома билан берилган ер қаъри участкаларида қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишда ва ажратиб олишда қуйидагилар тақиқланади:

ушбу Низомнинг 24 ва 25-бандларида назарда тутилмаган усуллар, шу жумладан, ер ости тоғ-кон йўлақларини қазиш, портлатиш ишларини олиб бориш;

қазиб олинган тоғ жинсларини ажратилган ер участкаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш ёки сотиш;

кимёвий реагентлар қўлланилган ҳолда қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш технологиясидан фойдаланиш;

ажратилган ер участкаси ҳудудида капитал қурилиш ишларини амалга ошириш;

ер қаъри участкасидан фойдаланишда амалдаги қоидалар ва норматив ҳужжатлар талабларини бузиш.

**9-боб. Олтин изловчилар усулида қазиб олинган  
қимматбаҳо металллар нарҳини белгилаш, уларни харид  
қилиш, ҳисобини юритиш, сақлаш ва реализация  
қилиш тартиби**

**1-§. Қимматбаҳо металлларни сотиб олувчи қабул  
кассалари**

28. Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан белгиланган тартибда ажратиб олинган қимматбаҳо металллар қабул кассаларига, шунингдек, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаганлик ҳақида хабарномага эга бўлган юридик шахсларга ва яқка тадбиркорларга келишилган нархларда реализация қилинади.

29. Қабул кассаси олтинни қайта ишлаш корхоналари билан шартнома асосида ер қаъридан фойдаланувчилардан таркибида олтин бўлган хом ашёни (шлих, концентрат) қабул қилувчи пункт ҳисобланади.

30. Қабул кассалари ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан респуб-

лика худудида қазиб олинган таркибида қимматбаҳо металллар бўлган хом ашёни қабул қилиш, сақланишини таъминлаш ва қайта ишлашга жўнатиш мақсадида тузилади.

31. Қабул кассалари қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ҳамда бошқа буюмларни ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаганлик ҳақида хабарномага эга ташкилотлар томонидан тузилиши мумкин.

32. Қабул кассалари таркибида қимматбаҳо металллар бўлган хом ашёларни қайта ишлаш ва аффинажга юборишга мажбур.

33. Ер қаъридан фойдаланувчилар қазиб қўлга киритган қимматбаҳо металллар аралашмасининг барчасини, жумладан, соф ҳолда топилганларини ҳам қабул кассаларига топширишга мажбур.

34. Қабул кассалари ер қаъридан фойдаланувчидан таркибида қимматбаҳо металл бўлган хом ашёларни қабул далолатномасини расмийлаштирган ҳолда воситачилик асосида қабул қилади.

## **2-§. Қабул кассаларида қимматбаҳо металлларни сақлашни таъминлаш**

35. Қимматбаҳо металллар ва уларнинг концентратларини сақлаш жойларида ўрнатилган сейфларда, яъни махсус жиҳозланган қабул кассаларида, мустаҳкам деворли, бетон полли, деразасиз, металлдан ясалган ёки темир билан қопланган махсус ички қулфли эшикли хоналарда амалга оширилиши керак.

36. Қабул кассаларига кириш эшиги махсус қулф билан жиҳозланган ҳамда сақлаш жойларининг эшикларига илгакларни ва муҳрларнинг ҳолатини кўздан кечириш имкони бўлган кўриш дарчасига эга бўлиши керак. Қабул кассаларининг эшигига киришгача ва ундан кейин пўлат симдан тайёрланган панжарали эшиклар ўрнатилади.

37. Қабул кассаларида иш столи, тушган ва жўнатиладиган металлни ўлчаш учун тарози, металл идиши ва асбобларни, бошқа ускуналарни сақлаш шкафлари ўрнатилади.

38. Қабул кассалари телефон алоқаси, камида икки поғонали кўриқлов ва ёнғин-кўриқлаш сигнализациялари ҳамда туну кун қуролланган кўриқлов пости билан таъминланади.

39. Қабул кассаларининг деразалари металл панжаралардан иборат бўлиши керак. Қабул кассаларининг хонаси ҳамда унинг пости симсиз, ишончли ишлайдиган, бинодан ташқарига, масъул шахсларнинг доимий туну кун навбатчилиқ жойларига чиқарилган сигнализация билан таъминланади, масалан: милиция бўлими, идоравий ҳарбий кўриқловнинг соқчи жойи, муассаса коммутатори.

40. Алоҳида ҳолларда қимматбаҳо металлларни (концентратларни) сақлаш учун сейф ўрнига ички махсус қулфлар билан жиҳозланган металл шкафларнинг ишлатилишига вақтинча йўл қўйилади.

41. Иш куни тамом бўлгандан сўнг сейфлар, қимматбаҳо металлларни

сақлаш жойи ҳамда қабул кассалари ёпилади, муҳрланади ва қўриқлаш учун топширилади. Хоналарни қабул қилиш ва топшириш, режимли хоналарни қўриқлаш учун қабул қилиш ва топшириш журналида расмийлаштирилади.

42. Қабул кассасига кириш учун рухсат фақат чегараланган доирадаги, рўйхати муассаса раҳбари ёки унинг режим ва қўриқлаш бўйича ўринбосари томонидан аниқланувчи шахсларга берилади. Қабул кассаси хоналарига кириш учун рухсат берилган шахсларнинг рўйхати ушбу объектнинг туну кун ишлайдиган қуролланган қўриқлаш постида бўлиши керак.

43. Таркибида қимматбаҳо металл бўлган хом ашёни қабул кассаларига етказиш ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан амалга оширилади.

### **3-§. Қимматбаҳо металлларни нархлаш, ҳисоблаш ва сотиб олиш тартиби**

44. Қимматбаҳо металлларнинг хом ашёдаги нархи шартнома асосида ер қаъридан фойдаланувчилар ва қабул кассалари томонидан хом ашёни қабул кассасига топшириш пайтида белгиланади.

Бунда, таркибида қимматбаҳо металллар бўлган қайта ишланган масса, таҳлил натижаларига кўра қимматбаҳо металлни тайёр кўринишгача ажратиб олишни ҳисобга олган ҳолда оғирлик ҳисоб-китоби тузилади.

45. Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган хом ашё нарҳини ҳисоблашда қуйидаги формула қўлланади:

Хом ашё нархи қимматбаҳо металлларнинг миқдори, ажратиб олиш коэффициентини ва қимматбаҳо металлларнинг халқаро бозорлардаги нархи — қайта ишлаш харажатларини кўпайтириш орқали аниқланади:

Бунда, қимматбаҳо металллар миқдори — оғирлик ҳисоб-китобига кўра; ажратиб олиш коэффициентини — хом ашёга кўра қайта ишлаш корхоналарида тасдиқланган металлларни ажратиб олиш меъёрларига мувофиқ аниқланади;

қимматбаҳо металлларнинг халқаро бозорлардаги нархи — қимматбаҳо металлларнинг Лондон биржасидаги нархлардан келиб чиқиб (АҚШ долларларида, эрталабки ўрнатилган фиксингда), металлни реализация қилиш (топшириш) санаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотларига кўра чет эл валютаси курси билан сўмга қайта ҳисобланган нархда аниқланади;

қайта ишлаш харажатлари (1 граммга) — зарур бўлган фойдани ҳисобга олган ҳолда қайта ишлашга кетадиган харажатлардан келиб чиқиб қабул қилинади.

Ҳар бир қабул кассасида ушбу формула ва ҳисоб-китобларнинг намуналари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилиши шарт.

46. Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган хом ашё топширилгандан сўнг қабул кассасининг ер қаъридан фойдаланувчи билан ҳисоб-китоби шартнома асосида 10 кундан ошмаган муддатда қабул кассасининг белгиланган ички тартибига мувофиқ амалга оширилади.

#### 4-§. Қимматбаҳо металлларни қабул қилиш тартиби ва мажбуриятлар

47. Қабул кассаларига тушадиган таркибида қимматбаҳо металллар бўлган хом ашё уни топширувчи ер қаъридан фойдаланувчининг иштирокида ўлчаб олинади. Топшириш ва қабул қилиш махсус журналда топширувчи ҳамда қабул қилувчининг имзолари асосида расмийлаштирилади.

Бунда, топшириш ва қабул қилиш махсус журналининг варақлари рақамланган, тикилган ва муҳрланган бўлиши шарт.

48. Ер қаъридан фойдаланувчилардан қабул кассаларига тушувчи таркибида қимматбаҳо металллар бўлган хом ашёлар ҳисоби раҳбарнинг буйруғи асосида муайян ижрочига юклатилади (жавобгарликни юклаш ҳамда мулкка жавобгар шахснинг тегишли мажбуриятини расмийлаштириш билан).

49. Намуналарни синаш ва кимёвий таҳлилга тайёрлаш қайта ишловчи корхоналарнинг амалдаги стандартлари, йўриқномалари ҳамда синаш усулларига мувофиқ техник назорат хизмати орқали амалга оширилади.

50. Намунани кимёвий лабораторияга етказиш техник назорат хизмати назоратчиси томонидан ҳарбий қўриқчи ҳамроҳлигида амалга оширилади.

51. Марказий таҳлил лабораторияси тасдиқланган усулга асосан барча турдаги хом ашё таркибидаги қимматбаҳо металлларни аниқлаш бўйича таҳлил ўтказилади.

52. Таркибида олтин бўлган хом ашёни синашда уч хил намуна шаклланади: бири — қайта ишлаш корхоналар таҳлили учун; иккинчиси — ер қаъридан фойдаланувчилар учун; учинчиси эса — арбитраж учун.

53. Қабул кассасининг моддий жавобгар шахси таркибида қимматбаҳо металллар бўлган хом ашёларни келгуси қайта ишлаш ва қимматбаҳо металлларни ажратиш олишга юборгунга қадар барча чора-тадбирларни кўради.

54. Қабул кассалари таркибида қимматбаҳо металллар бўлган хом ашёларни қабул қилиш, сарф қилиш ҳамда уларнинг қолдиқлари бўйича қатъий ҳисоб олиб бориш ва белгиланган муддатда инвентаризация ўтказишга мажбур.

55. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ҳамда бошқа буюмларни ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаганлик ҳақида хабарномага эга бўлган юридик шахслар томонидан тузилган қабул кассаларида қимматбаҳо металлларни сақлаш ва қабул қилиш тартиби ва мажбуриятлари ушбу юридик шахс томонидан ишлаб чиқилади.

Шу билан бирга, қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ҳамда бошқа буюмларни ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаганлик ҳақида хабарномага эга бўлган юридик шахслар томонидан сайёр қабул кассалари ташкил этишга рухсат берилади.

56. Ушбу Низомнинг 35 — 42, 45, 50 — 54-бандларидаги қимматбаҳо металлларни сақлаш, қабул қилиш тартиби ва мажбуриятлар қабул касса-



ларини ташкил этган ташкилотларда давлат улуши бўлган субъектларга нисбатан мажбурий ҳисобланади ва қимматбаҳо металлдан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ҳамда бошқа буюмларни ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаганлик ҳақида хабарномага эга бўлган давлат улушига эга бўлмаган юридик шахсларга ихтиёрий равишда амал қилиш тавсия этилади.

**10-боб. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва бекор қилиш, шунингдек, ер қаъридан фойдаланувчиларнинг қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарлиги**

57. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган ҳолларда чекланиши, тўхтатиб қўйилиши ёки муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

58. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб қўйиш ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш юзасидан давлат назорат органлари томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

59. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини муддатидан олдин бекор қилиш суд тартибида Давлат геология қўмитасининг ва бошқа давлат назорати органларининг аризалари асосида амалга оширилади.

60. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланиши юзага келган хавф-хатар ёки ер қаъридан фойдаланишда йўл қўйилган талаблар ва шартлар, ишларни олиб бориш меъёрлари ва қоидалари бартараф этилишигача ишларнинг чекланишига олиб келади. Бунда чекланиш муддати 3 ойдан ошмаслиги шарт.

61. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг тўхтатилиши ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча турдаги ишлар тўхтатиб қўйилиши сабаблари бартараф этилгунигача қадар амалга оширилиши тақиқланишига, бироқ 3 ойдан ошмайдиган муддатга тақиқланишига олиб келади, ускуналарни одамлар ва атроф муҳит учун хавфсиз сақлаб туришга оид ишлар бундан мустасно.

62. Қимматбаҳо металлларни яшириш, шу жумладан, уни 6 ой ичида реализация қилмаслик, шунингдек, қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш чоғида ишларни бехатар олиб бориш талабларининг бузилиши оқибатида инсонларнинг оғир тан жароҳати олиши ёки ўлимига олиб келиши ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини муддатидан олдин бекор қилиш ва мазкур фаолият билан шуғулланишни 1 йил давомида чеклаш учун асос бўлади.

63. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи:

ер қаъридан фойдаланувчи 1 йил ичида ер қаъри участкасидан фойдаланишни бошламаган;

ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг асосий шартлари бузилган;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг таъсир зонасида аҳоли ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга хавф-хатарнинг мавжуд бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинмаслиги;

агар йўл қўйилган қоидабузарликлар тизимли тавсифга эга бўлса ёки ушбу ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига илгари чеклов ва (ёки) тўхтатиб туриш қўлланган ҳолатларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

64. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилганидан кейин фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланиш чоғида бузилган ер участкаларини кейинчалик уларни фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш ишларини (қайта тиклаш) бажаришга киришиши шарт.

**11-боб. Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ер участкасини рекультивация қилиш (қайта тиклаш) ва уларни маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг захира фондига қайтариш тартиби**

65. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилгандан сўнг ер қаъридан фойдаланувчилар ўз ҳисобларидан тегишли ер участкаларини рекультивация қилиш (қайта тиклаш) йўли билан кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтиришга мажбур.

66. Ер участкаларини рекультивация қилиш (қайта тиклаш) лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги тизимидаги «Ўздаверлоиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан 15 кун ичида амалга оширилади.

67. Бузилган ерларни рекультивация қилиш (қайта тиклаш) лойиҳаларида қўйидагилар назарда тутилади:

тупроқнинг ҳосилдор қатламининг кесиб олиниши ва махсус жойга жойлаштирилиши (сақланиши);

тошлоқ ва заҳарли жинсларни потенциал ҳосилдор тупроқлардан ажратиш мақсадида ер қаъри юзини очишдаги қатлам жинсларининг селектив ишланиши;

заҳарли жинслар қўмилишини таъминлайдиган ағдарилган тупроқ қатламларини шакллантириш;

ўпирилган жойларни тўлдириш;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш тугаган майдонларнинг нишабликда текисланиши;

тупроқ қатламининг текисланган юзаси қирқиш чуқурлигига тенг ёки потенциал ҳосилдорлик даражасидан кам бўлмаган микдорда ётқизирилиши;

қияликлар (ён бағирлар)ни мустаҳкамлаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириши;

рекультивация қилиш (қайта тиклаш)ни амалга ошириш жараёнида ва у яқунлангандан сўнг ишчилар ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш чоралари.

68. Бузилган ерларни рекультивация қилиш (қайта тиклаш) лойиҳаларининг амалга оширилиши юзасидан лойиҳачи томонидан муаллифлик назорати олиб борилади.

Ер участкаларини рекультивация қилиш (қайта тиклаш) ишлари тегишли лойиҳалар билан кўзда тутилган муддатларда бажарилади. Бунда ер участкаларини рекультивация қилиш (қайта тиклаш) ишларининг муддати 3 ойдан ошмаслиги шарт.

Ердан фойдаланган юридик ёки жисмоний шахслар ҳисобидан бузилган ерларда рекультивация қилиш (қайта тиклаш) лойиҳалари асосида ишлар амалга оширилгандан сўнг ваколатли органларнинг тегишли тартибдаги қарорларига асосан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг захира ер фондига қайтарилади.

### **12-боб. Яқунловчи қоида**

69. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 25 мартдаги 133-сон қарорига  
4-ИЛОВА

## **Ер қаъри бўйича геологик материалларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизаси хулосасини беришнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент юридик шахсларга ер қаъри бўйича геологик материалларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизаси хулосасини (кейинги ўринларда — эксперт хулосаси) «Лицензия» ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентнинг асосий мақсади лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаш ва кейинчалик Давлат геология фондидан рўйхатдан ўтказиш учун эксперт хулосасини бериш билан боғлиқ жараёнлар ва тартибларни соддалаштиришдан иборат.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ариза берувчи** — эксперт хулосасини олиш учун электрон ариза берган юридик шахс;

**геологик топшириқ** — геология-қидирув ишларини лойиҳалаштириш ва натижаларини қабул қилиш учун асосий ҳужжат ҳисобланиб, унда ишни ташкил қилиш ва режалаштириш, фойдали қазилма тури, ҳудуднинг номи ва жойлашган жойи, ишнинг номи, геологик топшириқлар учун асос, ишнинг мақсади, ҳудуднинг чегаралари, асосий прогноз параметрлари, геологик вазифаларнинг кетма-кетлиги ва уларни ҳал қилишнинг асосий усуллари, кутилаётган натижалар ва ишнинг бажарилиш муддатлари кўрсатилади;

**техник топшириқ** — буюртмачи ёки инвестор томонидан пудратчи-га муҳандислик-геологик тадқиқотлар ўтказиш учун бериладиган ҳужжат бўлиб, турли хилдаги участкаларда фойдали қазилмаларни қидириш, лойиҳани бошлаш учун ишчи ҳужжатлар лойиҳасини яратиш ва расмийлаштиришни ўз ичига олади.

4. Эксперт хулосаси Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат геология қўмитаси) томонидан «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали берилди.

5. Эксперт хулосасининг амал қилиш муддати геологик ёки техник топшириққа мувофиқ тузилган лойиҳада кўрсатилган давр учун берилди.

6. Эксперт хулосаси мазкур Регламентга 1-иловага\* мувофиқ схема асосида берилди.

Ер қаъри бўйича геологик материалларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизаси хулосасини бериш 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

## **2-боб. Эксперт хулосасини бериш тартиби**

7. Эксперт хулосасини олиш учун ариза берувчи Давлат геология қўмитасига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали лойиҳа-смета ҳужжатларининг электрон шаклини геологик экспертиза текширувидан ўтказиш учун тақдим этади.

Геология-қидирув ишлари ва углеводород хом ашё учун нефть кудуқларини бурғилаш лойиҳаси ва сметаси ҳамда илмий-тадқиқот, тажриба-методик ва тажриба-конструктор ишлари дастурлари тақдим этилади.

8. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ариза берувчи томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлиши керак.

9. Лойиҳага қуйидагилар илова қилиниши керак:

тасдиқланган геологик ёки техник топшириқ;

корхона раҳбари томонидан тасдиқланган корхона илмий кенгашининг баённомаси;

лойиҳанинг «Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги чоралари бўлимлари»;

график иловалар.

10. Сметага қуйидагилар илова қилиниши керак:

---

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ходимларнинг иш ҳақи ставкаси бўйича сарфларнинг тўлиқ шакли маълумотномаси;

транспорт харажатлари ва дала ишлари харажатлари тўғрисида маълумотнома;

харажатлар даври коэффиценти ва стандарт фойда (10 фоизи);

бошқа ишлаб чиқариш харажатлари коэффиценти;

жорий йил учун геология қидирув ишлари дастури.

11. Давлат геология қўмитасига юридик шахслар томонидан тақдим қилинган лойиҳа-смета ҳужжатларига эксперт хулосасини бериш шартнома асосида амалга оширилади.

Бунда битта лойиҳанинг экспертизаси учун харажатлар лойиҳанинг бир фоизгача бўлган қийматда ҳисобланади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ундирилган йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) «Лицензия» ахборот тизими орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига ўтказилади;

қолган маблағлар тўлиқ рухсатнома берувчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

Давлат геология қўмитаси етти кун муддатда шартномани ариза берувчига «Лицензия» ахборот тизими орқали тақдим этади.

Ариза берувчи ўн кун муддатда шартномада кўрсатилган пул маблағини Давлат геология қўмитасининг ҳисобварағига ўтказди ва ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни «Лицензия» ахборот тизими орқали маълум қилади.

12. Давлат геология қўмитаси беш кун муддатда лойиҳа-смета ҳужжатлари лойиҳасини Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геологик фаолиятини назорат қилиш инспекциясига (кейинги ўринларда — Инспекция) келишиш учун «Лицензия» ахборот тизими орқали юборади.

Инспекция уч кун муддатда лойиҳа-смета ҳужжатлари лойиҳасини кўриб чиқади ва келишилган лойиҳани «Лицензия» ахборот тизими орқали Давлат геология қўмитасига юборади.

Давлат геология қўмитаси беш кун муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларини кўриб чиқади ва натижаси бўйича ариза берувчига эксперт хулосасини «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали юборди.

13. Экспертизага юборилган лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар бўлган тақдирда, бу ҳақида ариза берувчига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали хабар берилади. Камчиликлар бартараф этилгандан кейин лойиҳа-смета ҳужжатлари Давлат геология қўмитасига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали тақдим этилади. Лойиҳа экспертиза қилиш учун қабул қилинган сана лойиҳа-смета ҳужжатлари қабул қилинган сана ҳисобланади.

14. Лойиҳа-смета ҳужжатлари кўриб чиқиш жараёнида аниқланган ва етишмаётган маълумотлар кўрсатилган ҳолда бошқа ҳужжатлар билан 10 кун ичида «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали Давлат геология қўмитасига тақдим этилиши керак.

15. Худуднинг лойиҳа-смета ҳужжатларини кўриб чиқиш муддати унинг мураккаблиги ва ҳажмига қараб белгиланади, бироқ ушбу муддат лойиҳа-смета ҳужжатлари олинган кундан бошлаб 30 кундан ошмаслиги керак.

16. Лойиҳа-смета ҳужжатларини кўриб чиқиш натижалари асосида эксперт хулосаси расмийлаштирилади.

Эксперт хулосаси ариза берувчига «Лицензия» ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали юборилади.

17. Агар тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатлари Давлат геология қўмитаси томонидан тасдиқланган йўриқнома ва смета нормалар тўпلامларига мувофиқ тайёрланмаган, ҳужжатларнинг сифати қониқарсиз бўлса, лойиҳа-смета ҳужжатлари қайта кўриб чиқиш учун ариза берувчига дастлабки эксперт хулосаси асосида қайтарилади.

18. Дастлабки эксперт хулосасида камчиликларнинг моҳияти кўрсатилади. Экспертиза хулосаларидан келиб чиқиб ариза берувчи зарур ўзгартириш ва қўшимчаларни киритади ва лойиҳа-смета ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш учун «Лицензия» ахборот тизими орқали тақдим этади.

19. Давлат геология қўмитаси 15 кун ичида лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни кўриб чиқади, якуний эксперт хулосасини тузади ва ушбу лойиҳа ариза берувчининг ўзларининг Илмий-техник кенгаши бўлимида муҳокама қилиниб тасдиқланади.

20. Ариза берувчининг лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси натижаларидан келиб чиқадиган баҳсли масалалар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг (кейинги ўринларда — Давлат геология қўмитаси) ихтисослаштирилган бошқармаларида (бўлимларида) кўриб чиқилади.

21. Баҳсли масалаларни кўриб чиқиш натижалари Давлат геология қўмитасининг илмий-техник кенгаши бўлимининг баённомалари билан расмийлаштирилади. Давлат геология қўмитаси илмий-техник кенгаши бўлими қарорининг ижроси муаллифлар ва экспертлар учун мажбурийдир.

22. Учинчи томон ташкилотларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси натижаларидан келиб чиқадиган баҳсли масалалар Давлат гео-

логия қўмитаси илмий-техник кенгашининг қўшма мажлисида кўриб чиқилади. Қўшма йиғилиш қарори ижроси ҳар икки томон учун ҳам мажбурийдир.

23. Давлат геология қўмитаси илмий-техник кенгаши қўшма мажлисининг қарори ҳисобга олинган ҳолда эксперт хулосаси қайта кўриб чиқиши мумкин.

### **3-боб. Эксперт хулосасини бериш талаблари ва шартлари**

24. Лойиҳа-смета ҳужжатлари лойиҳалари Давлат геология қўмитаси томонидан 2020 йил 29 декабрда тасдиқланган Геология-қидирув ишларига лойиҳа ва сметалар тузиш бўйича йўриқнома ҳамда 1998 йил 23 мартда, 2013 йил 30 августда ҳамда 2018 йил 3 октябрда тасдиқланган Геология қидирув учун смета нормалар тўпламларига (Смета нархларининг тўплами ССН-1998 ёки 2013 — 2018) мувофиқ тузилиши керак.

25. «Ўзбекнефтогаз» АЖ томонидан 2011 йил 27 августда тасдиқланган нефть қудуқларини қуриш бўйича лойиҳалар Нефть ва газ қудуқлари қурилишининг лойиҳа-смета ҳужжатлари таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, келишилиши ва тасдиқлаш тўғрисидаги йўриқнома (РН 39.0-010:2011) ҳамда 2012 йил 15 августда тасдиқланган «Нефть ва газ учун қудуқ қурилиши. Ташкил этиш ва молиялаштириш» (РН 39.0-030: 2012) қоидаларига мувофиқ тузилиши керак.

26. Давлат геология қўмитаси томонидан 2012 йил 3 сентябрда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари Қидирув харажатларини амалдаги нархларда ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ҳамда 2014 йил 10 декабрда тасдиқланган Қидирув харажатларини жорий нархларда ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ тузилиши керак.

27. Давлат геология қўмитаси томонидан 2018 йил 18 сентябрда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг смета қиймати смета нархлари тўпламида назарда тутилган Геология қидирув ишлари нархларини жорий нархларда ҳисоблашнинг автоматлаштирилган дастурлари методик қўлланмасига асосан ҳисобланади.

28. Смета нархларининг тўпламида кўзда тутилмаган ишларнинг қийматлари смета ва молиявий ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланади.

29. Агар нефть қудуқларини қуриш лойиҳалари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга ҳожат бўлмаса (қарор буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилинади), иш лойиҳасини экспертиза ўтказиш учун смета ҳисобисиз тақдим этишга руҳсат берилади.

30. Давлат геология қўмитаси томонидан тасдиқланган йўриқнома ва смета нормалар тўпламлари Давлат геология қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

31. Лойиҳа-смета ҳужжатлари Давлат геология қўмитаси томонидан ҳудуд учун тасдиқланган геологик, техник топшириққа, тадқиқотнинг мукамаллигига (топшириқни бажариш учун зарур бўлган барча турдаги ишлар киритилиши), бошқа йўриқнома ва норматив ҳужжатлар талабла-

рига мувофиқлигини аниқлаш ҳамда илгари бажарилган ишлар такрорланишининг олдини олиш учун кўриб чиқилади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

32. Ариза берувчилар тайёрлаган ва Давлат геология кўмитасига тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишончлилиги ва қонунчилик ҳужжатларига мослиги учун жавобгардирлар.

33. Ушбу Регламентнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 25 мартдаги 133-сон қарорига  
6-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Гишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат ва саноат асосида кавлаб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар беришнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» 2009 йил 27 октябрдаги 284-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2010 йил 17 декабрдаги 301-сон қарорига илованинг 37-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2017 йил 14 ноябрдаги 915-сон қарорига 1-илованинг 36-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 16 мартдаги 224-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун 2019 йилда фойдаланишга бериладиган ер қаъри участкаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 16 мартдаги 225-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш жараёнини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 1 июлдаги 546-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 90 ва 278-бандлари.



8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2020 йил 23 июндаги 403-сон қарори.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2020 йил 26 июндаги 411-сон қарорига 1-илованинг 68-банди.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ**

**125** **Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3154-2*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 20 февралдаги 01-02/12-7-сон қарори (рўйхат рақами 3154, 2019 йил 19 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2019 й., 10/19/3154/2972-сон) билан тасдиқланган Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор 2022 йил 3 майдан кучга киради.

**Раис**

**А. МАВЛОНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 16 март,  
12/05-22-00569-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил  
16 мартдаги 12/05-22-00569-сон қарорига  
ИЛОВА

**Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона  
кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар  
олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш  
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган қўшимча ва  
ўзгартириш**

1. 4-банд қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тирик ҳайвонлар ва тез бузиладиган товарлар биринчи навбатда божхона кўригидан ўтказилади.».

2. 22-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарлардан намуна ва (ёки) синамалар олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 мартдаги 145-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари тизимида товарларнинг намуна ва синамаларини тасарруф этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.».

3. Мазкур қўшимча ва ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Келишилди:*

**Савдо-саноат палатаси раисининг  
биринчи ўринбосари**

**И. ДЖАСИМОВ**

*2022 йил 28 февраль*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 16 мартдаги 12/05-22-00569-сон «Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

***2022 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3154-2.***